2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета № 193 (1519), 2025 йил 18 сентябрь, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БАРЧА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МАҚСАДИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16-17 сентябрь кунлари Наманган вилоятида бўлди.





Икки кунлик сафар давомида саноат, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва ижтимоий соҳада ишга туширилган янги объектлар билан танишди. Вилоятни комплекс ривожлантириш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари 17 сентябрь куни “Камбағалликдан фаровонлик сари” III халқаро форумининг очилиш маросимида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Президент Шавкат Мирзиёев дунёда кузатилаётган геосиёсий, иқтисодий ва ижтимоий беқарорлик, иқлим ўзгаришлари таъсирида глобал иқтисодий ўсиш секинлашгани, оқибатда камбағал аҳоли сони ошганига эътибор қаратди. Бу ҳолат барча давлатлар, халқаро ташкилотлар, умуман, дунё ҳамжамияти олдига янги ва долзарб вазифаларни қўяётгани таъкидланди.

Шундай мураккаб даврда Ўзбекистонда камбағалликка қарши курашиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Барча саъй-ҳаракатлар ҳар бир инсон, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларга ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун шароит яратиш ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилди.

Янгиланган Конституциямизда пенсиялар, нафақалар ва ижтимоий ёрдам миқдори энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлмаслиги белгилаб қўйилди.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ “КАМБАҒАЛЛИКДАН ФАРОВОНЛИК САРИ” МАВЗУСИДАГИ III ХАЛҚАРО ФОРУМНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарам меҳмонлар!

Ҳурматли форум иштирокчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича учинчи бор ўтказилаётган халқаро форумда чин дилдан қутлашдан ғоят мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги анжуманда иштирок этаётган Ислом тараққиёт банки президенти Муҳаммад ал-Жассир жанобларига, Осиё тараққиёт банки вице-президенти Ингминг Янг жанобларига, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) бош вице-президенти Сачико Имото хонимга, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Каха Имнадзе жанобларига, Жаҳон банкининг камбағалликни қисқартириш бўйича глобал директори Луис Фелипе Лопес-Кальва жанобларига ва барча меҳмонларимизга чуқур миннатдорлик билдираман.

Меҳмондўст Ўзбекистон заминига, бетакрор Наманган диёрига хуш келибсиз!

Қадрли дўстлар!

Хабарингиз бор, бундан ўн йил олдин Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Барқарор ривожланиш мақсадлари ҳақида муҳим ҳужжат қабул қилинган эди. 2030 йилгача глобал миқёсда камбағалликка барҳам бериш ушбу мақсадларнинг биринчиси сифатида белгилаб олинган.

Барчамиз кўриб турибмиз, ҳозирги вақтда инсоният оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган ўта кескин ва мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Дунёда геосиёсий, иқтисодий ва ижтимоий беқарорлик тобора ортиб бормоқда.

Ер юзида кузатилаётган иқлим ўзгаришлари, сув танқислиги ва пандемиялар туфайли олдимизда оғир ва машаққатли синовлар пайдо бўлмоқда.

2015 йилдан буён глобал иқтисодий ўсиш суръати ўртача 3 фоизни ташкил этиб, олдинги ўн йилликка нисбатан секинлашди. Оқибатда агар беш йил олдин дунёда 650 миллион аҳоли камбағалликда яшаган бўлса, бугун уларнинг сони 800 миллиондан ошди.

Бу ҳолат барча давлатлар, халқаро ташкилотлар, умуман, дунё ҳамжамияти олдига янги ва долзарб вазифаларни қўйиб, уларга ечим топиш бўйича тезкор қарорлар қабул қилишни тақозо этмоқда.

Бугунги анжуманимизда қатнашаётган 30 дан ортиқ нуфузли ташкилот ва 200 га яқин халқаро экспертлар илгари сурадиган таклиф ва ташаббуслар ушбу муаммоларга комплекс ечим топишга хизмат қилади, деб ишонаман.

Муҳтарам анжуман иштирокчилари!

Янги Ўзбекистонда барча ислоҳотлар **“Инсон қадри учун”** деган тамойил асосида амалга оширилмоқда.

Сўнгги саккиз йилда одамларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларни муносиб иш жойи билан таъминлаш, даромадини ошириш, турмуш шароитини яхшилашга қаратилган улкан ишларни амалга оширдик. Барча саъй-ҳаракатларимиз ҳар бир инсон, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун шароит яратиш ва имкониятларни кенгайтиришга қаратилди.

Энг мураккаб даврда камбағалликка қарши курашни давлат сиёсати даражасига олиб чиқиб, уни умуммиллий ҳаракатга айлантирдик. Очиқ айтиш керак, ўша пайтда бизда камбағаллик даражасини баҳолаш бўйича аниқ мезон ва методология йўқ эди. Жаҳон банки ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти институтлари билан ҳамкорликда халқаро тажриба асосида камбағалликнинг миллий мезонларини ишлаб чиқдик.

Янгиланган Конституциямизда пенсиялар, нафақалар ва ижтимоий ёрдам миқдори энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлмаслигини қатъий белгилаб қўйдик.

Экспертларнинг ҳисоб-китобига кўра, бу ишларни бошлаганимизда аҳолимизнинг учдан бир қисми камбағаллик чегарасида яшарди.

Изчил ислоҳотларимиз туфайли 7,5 миллион аҳоли камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражаси 2024 йилда 8,9 фоизга туширилди. Йил якунигача уни 6 фоизгача камайтиришни мақсад қилганмиз.

Албатта, қисқа муддатда бундай натижаларга эришиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Ўтган даврда иқтисодиётимиз 2 карра ўсгани, йил якуни билан аҳоли жон бошига даромад 3,5 минг долларга етиши бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Биз янги ташаббус ва тажрибаларни синовдан ўтказиб, дунёдаги ижобий ютуқларни ўрганиб, камбағалликни қисқартириш бўйича Янги Ўзбекистон моделини яратдик. Аввало, ўтиш даврининг муҳим инструменти бўлган манзилли ижтимоий дафтарларни жорий этиб, барча эҳтиёжманд оилаларни қамраб олдик.

Биргина мисол, пандемия даврида 800 минг оилага бепул дори-дармон, 255 минг оилага озиқ-овқат маҳсулотлари, яна 1 миллион 200 минг оилага ижтимоий нафақалар берилди.

Қандай оғир бўлмасин, изланиб, имкон топиб, бу мақсадлар учун жами 8 миллиард долларлик маблағ ва имтиёзлар бердик. Натижада 5 миллион 200 минг нафар одамни “камбағаллик қопқони”га тушиб қолишдан ҳимоя қилдик ва шу билан бирга, иқтисодий рецессиянинг олдини олдик.

Жамиятнинг энг қуйи бўғинигача тушиб, “маҳаллабай” ишлаш тизимини йўлга қўйганимиз ўзини ҳар томонлама оқлади. Ҳар бир хонадон, ҳар бир оила билан индивидуал режа асосида ишлаб, даромадни ошириш учун етарли ресурс ажратдик.

Маҳаллаларни обод қилиш, одамлар ҳаётини яхшилаш ва тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантиришга ҳар йили 2,5-3 миллиард доллар йўналтиряпмиз.

Қишлоқ аҳолисини даромадли қилиш учун 235 минг гектар пахта ва ғалла майдонини қисқартириб, одамларга 30-50 сотихдан ер ажратишнинг янги механизмини жорий қилдик. Бу ишларимиз 800 минг одамнинг даромадини оширишда муҳим қадам бўлди.

Лидер тадбиркорлар кўмагида томорқада сердаромад экинларни экиш ва етиштирилган маҳсулотни кафолатли сотиб олиш тизимини йўлга қўйдик.


Муҳими, аҳолини камбағалликдан чиқариш ва даромадли қилишда ҳар бир ҳудуднинг ўз тажрибаси пайдо бўлди.

Бугунги форумга мезбонлик қилаётган Наманганда ҳам кичик бизнес, ҳунармандчилик, замонавий саноат зоналарини ривожлантириш бўйича намуна яратилди.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир маҳаллага бизнес муҳити, ҳар бир оилага фаровонлик кириб борганини одамлар ўз ҳаётида ҳис этмоқда. Бундай кенг кўламли саъй-ҳаракатларимиз ҳисобига Ўзбекистон 2030 йилга қадар камбағалликни 2 карра қисқартириш бўйича олган мажбуриятини барвақт бажаришга ҳаракат қилмоқда.

Давоми 2-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ



АЛАМИМ БОР...

Албатта, мақолага қўйилган ушбу сарлавҳа умумий мазмунга қандайдир тушкун руҳ бераётгандек туйилиши мумкин. Аммо унда асло маломат йўқ. Ўтмишни қоралаш, ўтганлардан гина-кудурат қилиш ниятидан йироқмиз. Қолаверса, бугунги ёруғ кунларимиз, эришаётган ютуқларимиз қийматини акслантириш учун унинг зидди — тарихнинг қоронғи гўшаларидан улги излашга ҳожат ҳам йўқ.
Шу ўринда савол туғилиши табиий: ҳаммаси расамадидагидек экан, унда алам нега?

1

“Афсоналар ўз-ўзларича яшамайдилар. Улар ўзларига бизнинг ҳаёт ва қон ато қилишимизни кутишади. Дунёда ҳеч бўлмаса, бир одам уларнинг чақириғига жавоб берса, бас, афсоналар бизни битмас-туганмас обиҳаёт билан сугоришга шай. Бизнинг вазифамиз — уларни унутмаслик. Шундай қилишимиз керакки, ҳеч бир афсона ўлим уйқусига толмасин”, деган эди Альбер Камю бир замонлар.

Ўкинчнинг боиси, гарчи айнан бўлмаса-да, фаранг адиби айтаётган фикрга жуда яқин. Зотан, биз ҳам узоқ йиллар афсонавий тарихимиз, маданиятимиз, аждодларимиз киму, бу дунёда жойимиз қаерда бўлганини унутдик. Дунёнинг чети, учинчи даражали бир давлат, халқ деб қарашларига кўникдик. Ва энг аламлиси, замонавий дунё саҳнидаги маданий ва тарихий ўрнимиз қумга сингган сувдай “йўқолиб” қолди... “Ўзбек”, “Ўзбекистон” сўзлари ҳақиқий мазмунидан чекиниб, дунё харитасида қайсидир маконни топишда мурожаат қилинадиган жуғрофий нуқта даражасига тушди. Мамлакатимиз номидаги от ясовчи “истон” қўшимчаси бошқа турдош “истон”лар аро адашиб, жўрттага, баъзан эса мутойиба тарзида зикр этиладиган бўлди...

Мушоҳадамизга жиддий тус берадиган бўлсак, хорижлик машҳур бир сиёсатшуноснинг таассуф билан айтган ушбу гапи айни ўринга мос тушади: *“...умуман олганда, бугун хорижда кўпчилик одамлар Ибн Сино ва Ал-Берунийлар юртини писанд қилмай, бу ерга бошқа бирор манзилга бориш учун кесиб ўтиш керак бўлган нотинч ҳудуд сифатида қарайдилар”*. Ҳа, бу борада у ҳақ эди. Биз унинг таърифидан хафа бўлишимиз керакмаски, асл вазият ҳам шундан ортиқ эмасди.

Ҳолбуки, ўша сиёсатчи ишора қилганидек, бизнинг ватанимиз интеллектуал ва маданий мерос, сиёсий-ҳарбий анъаналар жиҳатидан юқорида айтганимиз бошқа “истон”лар аро “адашиб” юришга асло “муносиб” эмас.

Ҳолбуки, бу замин инсоният тарихида ўчмас из қолдирган икки буюк уйғониш даври — мусулмон ва Темурийлар ренессансига бешик бўлган. Дунёнинг ярмини эгаллаган қудратли империя-салтанатлар маркази бўлган.

Бироқ қани ўша тарих, қани ўша бизга шон-шараф, улуғворлик ва буюк руҳ бахш этувчи хотира?!

Тарихимиздан, аслиятимиздан озгина хабардор ҳар бир одамни бу савол оғир ўйга толдиради ва айни маънавий тушкунлик қалбида оҳистагина аламни қўрлантиради...

2

Бугун Ўзбекистон қандай йўлга кирганини ва бу ерда нималар бўлаётганини зукко таҳлилчилар, маърифатли инсонлар кўриб, ҳис қилиб турганига ишонаман. Аммо бир нозик жиҳат борки, буни ҳаммаям илғаб олаётганига шубҳам бор. Мен илгариги бир неча мақолаларимда билдирган фикримда собитман — узоқ йиллар кўп балоларни бошидан кечиришга мажбур бўлган бу юрт ва унинг халқи эндиликда нафақат мамлакат суверенитетини мустаҳкамлаш, балки унуттирилган ва бағридан юлиб олинган улуғ ўтмиш хотираси, маданияти ва аждодлари меросини тиклаш ҳамда бу шарафли ҳаракат ўлароқ ўз кимлигини топишга, маънавий янгиланишга бел боғлади, десам, тўғри бўлади.

Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ “КАМБАҒАЛЛИКДАН ФАРОВОНЛИК САРИ” МАВЗУСИДАГИ III ХАЛҚАРО ФОРУМНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Шуларни инобатга олиб, бугун янги, янада юқори маррани белгилаб олишга тайёрмиз.

2030 йилга бориб, халқаро мезонларга кўра, Ўзбекистонда мутлақ камбағалликка тўлиқ барҳам бериш учун барча имкониятларимиз бор ва биз буни албатта уддалаймиз!

Азиз меҳмонлар!

Олдимизга қўйган мақсадларга эришиш учун еттита устувор йўналишни ўз ичига олган **“Камбағалликдан фаровонлик сари”** дастурини амалга оширмоқдамиз.

Энг аввало, камбағал аҳолини шунчаки ишга жойлаштириш эмас, балки доимий иш ўринларини кўпайтириб, одамлар барқарор даромад манбасига эга бўлиши учун шароит яратяпмиз.

Фаол инвестиция сиёсатимиз туфайли шу йилнинг ўзида 35 миллиард доллар сармоя эвазига 9 мингдан ортиқ янги корхона, 300 мингга яқин юқори даромадли иш ўрни ташкил этилмоқда.

Қулай ишбилармонлик муҳити ҳисобига ўтган саккиз йилда 700 минг тадбиркор ўзининг барқарор бизнесига эга бўлди.

Эътиборлиси — давлат бизнесга шароит яратиб беряпти, тадбиркорлар эса ўзига ижтимоий масъулият олиб, эҳтиёжманд аҳолини ишли ва даромадли қилишда кўмакчи бўлмоқда. Мана шундай самарали ҳамкорлик туфайли шу йилнинг ўзида 270 мингдан зиёд камбағал оила аъзоси доимий ишли бўлди.

Биз ҳозирги технологиялар асрида IT, сунъий интеллект, финтех каби одамларга юқори даромад келтирадиган соҳаларда стартаплар экотизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқдамиз.

Йил бошидан буён стартапларга 270 миллион доллар ёки ўтган йилга нисбатан 4 баробар кўп хорижий инвестиция киритилди. Бу йўналишдаги ишларни янада кучайтириб, биргина Жаҳон банки билан ҳамкорликда қиймати 100 миллион доллар бўлган янги лойиҳаларни бошлаяпмиз.

Биз мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини кўпайтириш бўйича халқаро ташкилотлар ва нуфузли молия институтлари билан фаол ишлаяпмиз. Бу борада Ислом тараққиёт банки билан ҳамкорликда қишлоқларда яшаш шароитини яхшилаш, йўл қурилиши, тиббиёт ва таълим хизматларини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган 5 миллиард долларлик лойиҳалар алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу лойиҳаларни қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистонда камбағалликни қисқартиришга улкан ҳисса қўшаётган банк президенти Муҳаммад ал-Жассир жанобларининг хизматларини юксак қадрлаймиз.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, бундай кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишда бизга яқиндан кўмаклашаётган барча халқаро молия институтлари ва ҳамкор давлатлар делегацияларига самимий ташаккуримни изҳор этаман.

Иккинчидан, одамларнинг билимини оширмасдан, уларни “камбағаллик гирдоби”дан чиқариш имконсиздир.

Шу боис, сифатли таълим асосида инсон капиталини ривожлантириш, узоқ муддатли истиқболда камбағалликни қисқартиришнинг асосий “драйвери” бўлиб қолади.

Биргина мисол, болаларимизнинг боғчалардаги қамрови 27 фоиздан 78 фоизга ошгани натижасида 1 миллион аёлларимиз таълим олиш, касб-ҳунар ўрганиш ва даромад топиш имконига эга бўлди. Биз бу ишларни давом эттириб, камбағал оилалар фарзандларини мактабгача таълим билан тўлиқ қамраб олиш учун барча шароитларни яратамиз. Бундай оилалар фарзандлари учун хорижий тил ва касб-ҳунар ўрганишга кетадиган харажатларнинг 80 фоизини қоплаб берамиз ва бу орқали 100 мингта камбағал оила фарзандларини қамраб оламиз.

Ҳар бир камбағал оилада камида 1 нафар олий маълумотли йигит ёки қиз бўлиши учун имтиёзли таълим кредити ва давлат грантларини кўпайтирамиз.

Сўнгги беш йилда 800 мингдан зиёд аҳолини замонавий касбларга ўргатиб, уларни юқори даромадли ишларга жойлаштирдик. Келгусида бу амалиётни янада кенгайтирамиз. Халқаро стандартлар асосида Касбга тайёрлаш халқаро марказларини ташкил этиб, уларнинг битирувчиларига хорижда тан олинадиган сертификатлар беришни йўлга қўямиз.

Учинчидан, биз хотин-қизларни жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш масаласини ҳам давлат сиёсати даражасига олиб чиқдик.

Бундан бир аср олдин буюк аждодимиз Абдулла Авлоний: “**Қизлар билим олишга ҳаммадан кўпроқ интилишлари лозим, зеро, бу билимлар билан улар келажак авлодни тарбиялайдилар”,** деган.

Бу сўзлар нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи яна бир бор тасдиқламоқда.

Шу боис, биз хотин-қизларга олий-гоҳда ўқиш учун фоизсиз кредит ажратиш, магистратурада бепул таълим олиш тизимини жорий этдик. Бугунги кунда талабаларнинг 53 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётгани, шу йилнинг ўзида 1 миллион 700 минг аёл ишли бўлгани қувонарлидир. Бу ишни давом эттириб, “Рақамли авлод қизлари” дастури доирасида 50 минг нафар қизларни IT, финтех ва сунъий интеллектга ўқитамиз.

Хотин-қизлар жамиятнинг барча бўғинларида ўз ўрнини топишига кўмаклашиш доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Бу йил аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун 1,5 миллиард доллар ажратдик. Ушбу маблағларни янада кўпайтириб, келгуси йили яна 2 миллион аёл доимий даромадли бўлиши учун шароит яратамиз.

Келгуси йилдан меҳнат бозорида аёллар учун тенг шароит яратиш мақсадида ижтимоий суғурта тизими қамровини кескин оширамиз. Бу — уларнинг камбағалликка тушиб қолмаслигини кафолатлайди.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини янада ошириш бўйича янги-янги тажрибаларни ўртоқлашиш мақсадида келгуси йили Наманганда ўтадиган Осиё ишбилармон аёллар форумига барчангизни таклиф қиламан.

Тўртинчидан, инсон саломатлигини муҳофаза қилмай туриб, унинг имкониятларини тўлақонли рўёбга чиқариб бўлмайди.

Бу борада 140 минг камбағал оилага шифокор бириктириб, уларни йилига бир марта тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказишни йўлга қўйдик. Энди, кафолатланган тиббий хизматларни кўпайтириб, камбағал оилаларнинг бунга сарф қиладиган харажатини 2 карра қисқартирамиз. Бунда уларга бепул дори ва кафолатланган тиббий хизматлар пакети тақдим этилади.

Бешинчидан, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли билан манзилли ишлаш — камбағалликка қарши курашда асосий йўналишлардан бири.

Биз бу тизимни тубдан ислоҳ қилиб, илгари 6 та давлат ташкилотида бўлган ваколатларни ягона — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига бирлаштирдик.

Қисқа муддатда ҳар бир туман ва шаҳарда 100 дан ортиқ ижтимоий хизматларни “бир дарча” тамойили асосида кўрсатадиган “Инсон” марказларини ташкил қилдик. Ҳар бир маҳаллада ижтимоий ходим аҳоли билан проактив усулда ишламоқда.

Шу йилнинг ўзида 2 миллион 700 минг аҳолига ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатилди. Айниқса, камбағал оилаларнинг парваришга муҳтож аъзоларига янги ижтимоий хизматларни йўлга қўйганимиз 50 минг нафар меҳнатга лаёқатли аҳоли учун ишлаш имконини яратди.

Биз бу йўналишдаги ишларимизни келгусида янада кенг кўламда давом эттирамиз.

Жаҳон банки билан ижтимоий хизматлар сифати ва қамровини ошириш мақсадида 100 миллион долларлик лойиҳани бошладик.

Имконияти чекланган аҳолининг камбағалликка тушиб қолиш эҳтимоли юқори. Шу боис, уларни қўллаб-қувватлаш, инклюзивлик асосида жамиятга интеграция қилиш бўйича янги ёндашувларни ишлаб чиқдик.

Муносиб меҳнат шароитини яратганимиз учун бу йил ногиронлиги бор 150 минг нафар шахс ишга жойлашди. Уларга ҳаётий зарур тиббий жиҳозлар, коляска ва протезлар бепул етказиб берилмоқда.

Имконияти чекланган болаларни мактаб ва касбий таълим билан қамраб олиш учун алоҳида дастурларни амалга оширяпмиз.

Ўзбекистонда оғир вазиятга тушиб қолган болаларга ғамхўрлик қилиш ва уларни зўравонликнинг ҳар қандай кўринишидан ҳимоя қилиш борасида янги тажриба яратилди.

Олтинчидан, ҳудудларда инфратузилмани яхшилаш, одамларга яшаш учун қулай шароитлар яратиш — кўп ўлчовли камбағалликни қисқартиришда муҳим қадам бўлади.

Шу мақсадда қарийб 3,5 миллион аҳоли яшайдиган, шароити оғир 1 мингта маҳаллада инфратузилмани яхшилаяпмиз. Натижада шу йилнинг ўзида 470 минг хонадонга қарашли томорқага сув борди, яна 790 минг хонадонда электр энергияси таъминоти яхшиланди.

Келгуси йили маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш, иш ўринларини кўпайтириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга яна 400 миллион доллар ажратяпмиз. Бунда 32 та туман ва ижтимоий шароити оғир 328 та маҳаллани танлаб, уларни ривожлантириш бўйича алоҳида дастур қабул қиламиз. Бу — янги тажриба бўлади.

Шунингдек, 810 та маҳаллада сув, канализация, йўл, мактаб ва боғча қуриш бўйича 1,3 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилади.

Уй-жойга муҳтож ва даромади паст аҳолига ипотека тизимидан фойдаланиш учун ҳар йили 200 миллион доллар субсидия ажратилади.

Халқаро молия институтлари ривожланаётган мамлакатларда инфратузилма лойиҳаларини молиялаштиришда камбағалликни қисқартириш талабини киритса, ўйлайманки, бу ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Еттинчидан, биздаги давлат харажатларининг 70 фоиздан ортиғи айнан Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун сарфланмоқда.

Шу билан бирга, глобал миқёсда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун ривожланаётган давлатларга йилига 4 триллион доллардан зиёд маблағ зарур. Бундай шароитда хавф-хатарларни объектив баҳолаш, молиявий ресурсларни жалб қилиш, уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича “камбағалликка қарши курашнинг янги молиявий архитектураси”га эҳтиёж сезилмоқда.

Ушбу масалаларга ечим топиш мақсадида 2026 йилда Хива шаҳрида халқаро молия институтлари, донор ташкилотлар ва ҳамкор давлатлар иштирокида конференция ўтказишни таклиф қиламан.

Ҳурматли форум иштирокчилари!

Инсон қадрини улуғлаш орқали одамлар учун муносиб шароит яратиш, бу борада камбағалликни қисқартириш — Янги Ўзбекистондаги барча ислоҳотлар замиридаги бош мақсаддир.

Аминман, Ўзбекистон ортга қайтмас ислоҳотлар йўлидан қатъий бориб, камбағалликни қисқартириш борасида ҳам, Барқарор ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришиш бўйича ҳам барча мажбуриятларини бажаришга ҳаракат қилади.

Бугунги анжуман барчамиз учун сермаҳсул ва фойдали мулоқот майдонига айланади ва мен бунга ишонаман.

Сизларни яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, ғоят шарафли ва олижаноб фаолиятингизда улкан ютуқлар, анжуман ишига эса муваффақиятлар тилайман.

ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БАРЧА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МАҚСАДИДИР

Бошланиши 1-бетда

Изчил ислоҳотлар туфайли 7,5 миллион аҳоли камбағалликдан чиқарилиб, 2024 йилда бу кўрсаткич 8,9 фоизга туширилди. Йил якунигача камбағаллик даражасини 6 фоизгача камайтириш мақсад қилинган. Ўтган даврда мамлакатимиз иқтисодиёти 2 карра ўсгани бунда муҳим омил бўлди. Шу йил якуни билан аҳоли жон бошига даромад 3,5 минг долларга етиши кутилмоқда.

Янги ташаббус ва тажрибаларни синовдан ўтказиб, дунёдаги ижобий ютуқларни ўрганиб, камбағалликни қисқартириш бўйича Янги Ўзбекистон модели яратилди.

Аввало, манзилли ижтимоий дафтарлар жорий этилиб, барча эҳтиёжманд оилалар қамраб олинди. Пандемия даврида бепул дори-дармон, ижтимоий нафақалар учун жами 8 миллиард долларлик маблағ ва имтиёзлар берилди. Натижада 5 миллион 200 минг нафар фуқаронинг “камбағаллик қопқони”га тушиб қолиши ҳамда иқтисодий рецессиянинг олди олинди.

Жамиятнинг энг қуйи бўғинигача тушиб, “маҳаллабай” ишлаш тизими йўлга қўйилди. Ҳар бир хонадон, ҳар бир оила билан индивидуал режа асосида ишлаб, даромадини ошириш учун етарли ресурс ажратилди.

Маҳаллаларни обод қилиш, одамлар ҳаётини яхшилаш ва тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантиришга ҳар йили 2,5-3 миллиард доллар йўналтирилмоқда.

Қишлоқ аҳолисини даромадли қилиш учун 235 минг гектар пахта ва ғалла майдони қисқартирилиб, одамларга 30-50 сотихдан ажратиб берилди. Бу 800 минг инсоннинг даромадини оширишда муҳим қадам бўлди.

— Бундай кенг кўламли саъй-ҳаракатларимиз ҳисобига Ўзбекистон 2030 йилга қадар камбағалликни икки карра қисқартириш бўйича олган мажбуриятини барвақт бажаришга ҳаракат қиляпти. Шуларни инобатга олиб, бугун янги, янада юқори маррани белгилаб олишга тайёрмиз. 2030 йилга бориб, халқаро мезонларга кўра, Ўзбекистонда мутлақ камбағалликка тўлиқ барҳам беришга барча имкониятимиз бор ва биз буни, албатта, уддалаймиз, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурининг мазмун-моҳиятига ҳам тўхталди. Бу дастур еттита устувор йўналишни қамраб олган.

Энг аввало, камбағал аҳолини шунчаки ишга жойлаштириш эмас, балки доимий иш ўринларини кўпайтириб, одамлар барқарор даромад манбасига эга бўлиши учун шароит яратилмоқда.

Фаол инвестиция сиёсати туфайли шу йилнинг ўзида 35 миллиард доллар сармоя эвазига 9 мингдан ортиқ янги корхона, 300 мингга яқин юқори даромадли иш ўрни ташкил этилмоқда.

Давлат бизнесга шароит яратиб беряпти, тадбиркорлар эса ўзига ижтимоий масъулият олиб, эҳтиёжманд аҳолини ишли ва даромадли қилишда кўмакчи бўлмоқда. Шундай самарали ҳамкорлик туфайли жорий йилнинг ўзида 270 мингдан зиёд камбағал оила аъзоси доимий ишли бўлган.

Иккинчидан, сифатли таълим асосида инсон капиталини ривожлантириш, узоқ муддатли истиқболда камбағалликни қисқартиришнинг асосий “драйвери” бўлиб қолади.

Хусусан, камбағал оила болаларини мактабгача таълим билан тўлиқ қамраб олиш учун барча шароит яратилади. Бундай оилалар фарзандлари учун хорижий тил ва касб-ҳунар ўрганишга кетадиган харажатларнинг 80 фоизи қоплаб берилади.

Сўнгги беш йилда 800 мингдан зиёд аҳоли замонавий касбларга ўқитилиб, юқори даромадли ишларга жойлаштирилган. Энди Касбга тайёрлаш халқаро марказлари ташкил этилиб, уларнинг битирувчиларига хорижда тан олинадиган сертификатлар бериш йўлга қўйилади.

Учинчидан, хотин-қизларни жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш алоҳида эътиборда бўлади. Шу боис, талаба қизларга фоизсиз кредит ажратиш, магистратурада бепул таълим олиш имконияти яратилди. Бугун талабаларнинг 53 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Шу йилнинг ўзида 1 миллион 700 минг аёл ишли бўлган.

Буни давом эттириб, “Рақамли авлод қизлари” дастури доирасида 50 минг нафар қизлар ахборот технологиялари, финтех ва сунъий интеллектга ўқитилади.

Жорий йил аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун 1,5 миллиард доллар ажратилди. Келаси йили яна 2 миллион аёлни доимий даромадли қилиш чоралари кўрилади.

Тўртинчидан, инсон саломатлиги муҳофаза қилиниб, унинг имкониятлари тўлақонли юзага чиқарилмоқда. Жумладан, 140 минг камбағал оилага шифокор бириктирилиб, улар йилига бир марта тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

Энди кафолатланган тиббий хизматлар кўпайтирилиб, камбағал оилаларнинг бунга сарф қиладиган харажати 2 карра қисқартирилади. Бунда уларга бепул дори ва кафолатланган тиббий хизматлар пакети тақдим этилади.

Бешинчидан, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли билан манзилли ишлаш йўлга қўйилди. Мазкур тизим тубдан ислоҳ қилиниб, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди. Ҳар бир туман ва шаҳарда 100 дан ортиқ ижтимоий хизматларни “бир дарча” тамойили асосида кўрсатадиган “Инсон” марказлари очилди. Ҳар бир маҳаллада ижтимоий ходим аҳоли билан проактив ишламоқда.

Шу йилнинг ўзида 2 миллион 700 минг аҳолига ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатилди. Айниқса, камбағал оилаларнинг парваришга муҳтож аъзоларига янги ижтимоий хизматлар йўлга қўйилгани 50 минг нафар меҳнатга лаёқатли аҳоли учун ишлаш имконини яратди.

Ижтимоий хизматлар сифати ва қамровини ошириш мақсадида Жаҳон банки билан 100 миллион долларлик лойиҳа ишга туширилди. Имконияти чекланган болаларни мактаб ва касбий таълим билан қамраб олиш учун алоҳида дастурлар амалга оширилмоқда.

Олтинчидан, ҳудудларда инфратузилмани яхшилаш, одамларга яшаш учун қулай шароитлар яратиш — кўп ўлчовли камбағалликни қисқартиришда муҳим қадам бўлади.

Шу мақсадда қарийб 3,5 миллион аҳоли яшайдиган шароити оғир мингта маҳаллада инфратузилма яхшиланмоқда. Келаси йил маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш, иш ўринларини кўпайтириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга яна 400 миллион доллар ажратилади. Бунда 32 та туман ва 328 та оғир маҳалла танланиб, уларни ривожлантириш бўйича алоҳида дастур қабул қилинади.

Шунингдек, 810 та маҳаллада сув, канализация, йўл, мактаб ва боғча қуриш бўйича 1,3 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилади.

Уй-жойга муҳтож ва даромади паст аҳолига ипотека тизимидан фойдаланиш учун ҳар йили 200 миллион доллар субсидия ажратилади.

Еттинчидан, давлат харажатларининг 70 фоиздан ортиғи айнан Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун сарфланмоқда.

Шу билан бирга, глобал миқёсда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун ривожланаётган давлатларга йилига 4 триллион доллардан зиёд маблағ зарур.

Бундай шароитда хавф-хатарларни объектив баҳолаш, молиявий ресурсларни жалб қилиш, уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича “камбағалликка қарши курашнинг янги молиявий архитектураси”га эҳтиёж сезилмоқда.

Ушбу масалаларга ечим топиш мақсадида 2026 йилда Хива шаҳрида халқаро молия институтлари, донор ташкилотлар ва ҳамкор давлатлар иштирокида конференция ўтказилади.

Форумда Ислом тараққиёт банки президенти Муҳаммад ал-Жассир, Осиё тараққиёт банки вице-президенти Ингминг Янг, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги бош вице-президенти Сачико Имото, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Каха Имнадзе, Жаҳон банкининг камбағалликни қисқартириш бўйича глобал директори Луис Фелипе Лопес-Кальва иштирок этди. Умуман, анжуманда 200 га яқин халқаро экспертлар қатнашди.

Тадбир доирасидаги сессияларда камбағалликни қисқартиришда бозор талаблари, ислом молиясининг имкониятлари, бизнес инклюзивлиги, инсон капиталига сармоя мавзуларида инновацион ёндашувлар муҳокама қилинди.

Халқаро форум доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом тараққиёт банки президенти Муҳаммад бин Сулаймон ал-Жассир билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида ушбу нуфузли халқаро молиявий ташкилот раҳбари форум муваффақиятли ўтказилгани билан самимий табриклаб, ИТБ Ўзбекистонда камбағалликни янада қисқартириш борасидаги вазифаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканини таъкидлади.

Мамлакатимизда ортга қайтмас тус олган ислоҳотлар стратегиясини амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида Банк гуруҳи билан кенг кўламли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда ИТБ билан шериклик жадал ривожланиб бораётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Қўшма лойиҳалар портфели 5 миллиард доллардан ошиб, бугунги кунда транспорт, инфратузилма, уй-жой қурилиши, энергетика, соғлиқни сақлаш, таълим каби устувор соҳаларни қамраб олган. Шу билан бирга, инвестицияларнинг 40 фоиздан ортиғи хусусий секторга тўғри келади.

Давлатимиз раҳбари ИТБ билан лойиҳалар портфелини икки баробар кўпайтириш, инфратузилма, ижтимоий соҳа ва хусусий сектор лойиҳаларини молиялаштириш ҳажмини оширишни назарда тутадиган узоқ муддатли Стратегик шериклик дастурини қабул қилиш ташаббусини илгари сурди.

Хусусий бизнес салоҳиятини рўёбга чиқариш, мамлакатимиз ҳудудларида замонавий тиббиёт марказларини барпо этиш, автомобиль йўлларини модернизация қилиш, ирригация каналларини тиклаш ва бетонлаш ҳамда бошқа йўналишларда аниқ лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаҳон банкининг глобал директори Луис Фелипе Лопес-Кальвани қабул қилди.

Музокаралар аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Жаҳон банки гуруҳи президенти Ажай Банганинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди ҳамда “Камбағалликдан фаровонлик сари” халқаро форуми муваффақиятли ташкил этилгани билан табриклади.

Жаҳон банки билан стратегик шерикликни, энг аввало, Барқарор ривожланишнинг биринчи мақсади бўлмиш камбағалликка қарши курашиш соҳасида янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ушбу глобал молиявий институт билан амалий ҳамкорликда юксак даражага эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Мамлакат дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ўзбекистон банкнинг макромонитақадаги етакчи ҳамкорларидан биридир. Лойиҳалар портфели 14 миллиард доллардан ошди.

Жаҳон банкининг фаол кўмагида камбағаллик даражасини аниқлаш методологияси ишлаб чиқилди. Айни пайтда Ўзбекистонда камбағаллик ва тенглик кўрсаткичлари биргаликда диагностика қилинмоқда.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш доирасида хотин-қизлар ва ёшлар учун иш ўринлари яратиш, шаҳар ва қишлоқларнинг инфратузилмасини модернизация қилиш, туризмни ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирларни ўз ичига олган қўшма лойиҳа тайёрлаш таклиф қилинди.

Хусусий сектор лойиҳаларини илгари суриш, ўрта муддатли ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш, аҳолини рўйхатга олиш ва бошқа устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Осиё тараққиёт банки вице-президенти Ингминг Янги ҳам қабул қилди.

Учрашув аввалида вице-президент Ингминг Янг давлатимиз раҳбарига ОТБ раҳбари Масато Канданинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди ҳамда форум муваффақиятли ўтказилгани билан табриклади.

Янги Ўзбекистонда ортга қайтмас тус олган ислоҳотлар стратегиясини амалга ошириш доирасида ушбу етакчи халқаро молиявий институт билан ҳамкорликни чуқурлаштиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда ҳамкорликда юксак даражага эришилгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Бугунги кунда “яшил” энергетика, транспорт, рақамли трансформация, таълим ва бошқа йўналишлардаги лойиҳалар портфели 14 миллиард долларни ташкил этмоқда.

Мамлакатимиз етакчиси ОТБ билан инфратузилма, давлат-хусусий шериклик, бизнес, ижтимоий соҳа ва капитал бозорини ривожлантириш бўйича янги лойиҳаларни ўз ичига олган кенг кўламли стратегик шериклик дастурини тайёрлаш муҳимлигини қайд этди.

Камбағалликка қарши курашиш, муҳим минералларни қайта ишлаш, бюджетни қўллаб-қувватлаш, қўшма инвестиция платформасини яратиш бўйича лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, банк Бошқарувчилар кенгашининг йиллик йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни келгуси йилда Ўзбекистонда ўтказиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Тўрақўрғон туманидаги “Ифтихор кийим саноат” кластерининг янги корхонаси фаолияти билан танишди.

Наманган тўқимачилик бўйича мамлакатимизда етакчи. Вилоят саноатининг учдан бири, экспортининг ярми шу соҳага тўғри келади. Бугунги кунда 2 минг 500 га яқин тўқимачилик корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар 250 га яқин брендлар остида маҳсулот тайёрлаб, юз мингдан ортиқ инсонни юқори даромад билан таъминлаяпти.

Саноат ривожига қўшимча шароит яратиш мақсадида “Наманган” эркин иқтисодий зонаси Тўрақўрғон туманига кенгайтирилган эди. Йигирмага яқин лойиҳа қаторида бу ерда “Ифтихор кийим саноат” кластерининг янги корхонаси ҳам барпо этилди.

13 август куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари тўқимачилик корхоналарининг йирик брендлар билан ҳамкорлиги масаласига алоҳида урғу берган эди. “Ифтихор кийим саноат”да шундай тизим йўлга қўйилган. Бу ерда “Bugatti”, “Pierre Cardin”, “Roy Robson”, “Baldessarini”, “Lavard”, “Jake’S”, “Engbers”, “Cinque”, “Walbusch” каби машҳур брендлар буюртмаларига кўра маҳсулот тайёрланмоқда. Наманганда тикилган кийимлар Европа дўконларида сотилмоқда.

Бундан ташқари, “Mercedes-Benz”, “BMW”, “Rolls-Royce” каби автомобиллар учун ўриндиқ матолари ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур йўналишда у минтақамизда ягона корхона ҳисобланади. Умуман, корхона йигирмага яқин хорижий брендлар билан ҳамкорликда ишламоқда.

Янги лойиҳанинг умумий қиймати 198 миллион доллар бўлиб, маблағлар асосан қурилиш ишлари ва илғор технологияларни жалб этишга йўналтирилди. Замонавий иншоотлар барпо этилди, махсус лаборатория ташкил қилинди. Германия, Италия, Туркия ва Польша каби тўқимачиликда етакчи мамлакатлардан келтирилган энергия тежамкор ускуналар иш унумдорлигини оширди. Корхонадаги замонавий лаборатория сифат назоратини таъминлаш ва нуфузли брендлар ишончини қозонишда муҳим ўрин тутмоқда.

Дастлаб оддий тикувчилик цехи сифатида иш бошлаган “Ифтихор кийим саноат” бугун пахта етиштиришдан тортиб, тайёр маҳсулотни экспортга йўналтираётган йирик кластерга айланди. Сифат бўйича қатъий талаблар уни халқаро бозорга олиб чиқди.

Президент корхонадаги иш жараёни билан танишди, ходимлар билан суҳбатлашди.

Корхона тўлиқ қувватга чиққач, йилига 100 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Бу орқали 2 мингта янги иш ўрни яратилади, давлат бюджетига эса йилига салмоқли солиқ тушумлари қўшилади. Халқаро брендлар билан ҳамкорлик маҳсулотга кафолатли бозор, катта валюта тушумлари ва янги иш ўринларини таъминлайди.

Бу ерга Наманганда ўтаётган “Камбағалликдан фаровонлик сари” халқаро форумининг хорижий меҳмонлари ҳам ташриф буюрди. Миллий ҳамда хорижий брендлар учун тикилган тайёр кийимлар, шунингдек, озиқ-овқат, чарм, қурилиш материаллари, фармацевтика тармоқларидаги маҳсулотлар кўргазмаси намойиш этилди.

Ўзбекистонда бизнес учун яратилган шароитлар, миллий маҳсулотларимиз тури ва сифати меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Шу ерда давлатимиз раҳбарига Наманган вилоятида хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар ҳақида ахборот берилди. Хусусан, шаҳарсозлик, тўқимачилик, қурилиш материаллари, электротехника, туризм, қишлоқ хўжалиги ва кимё саноати каби йўналишларда 252 та йирик лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

Мутасаддиларга инвестор ва тадбиркорлар учун барча қулайликларни яратиб, лойиҳаларни жадаллаштириш, кўпроқ иш ўринлари яратиб, аҳоли даромадини ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилоятига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОЕВ,
Абдулазиз РУСТАМОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

ДАВР НАФАСИ

2025 йил
18 сентябрь, 193-сон

www.yuz.uz — yuz.uznews — yuz_official — yuz.uz_news — yuz

АЛАМИМ БОР...



Қудратилла РАФИҚОВ,
сиёсатшунос

Шавкат Мирзиёев илгари сурган ғоя глобал, умуминсоний аҳамияти билан ниҳоятда ноёбдир. Масалан, ушбу марказ фаолият йўналиши билан танишсангиз, унда ўтган замонлардагидек "тарихнинг итоаткор қулига айланиш"ни эмас, аксинча, ўтмиш мероси ва анъаналарини бугунги кун билан трансформация қилиш — боғлаш, тарих ва келажакни уйғунлаштириш орқали нурли истиқболни яратишга иштиёқни пайқайсиз. Марказга жаҳоннинг юзлаб нуфузли олимлари ташриф буюриб, бу ерда ижод ва тадқиқот олиб бориши катта-катта мўъжизаларга туртки бериши эҳтимолдан кўп узоқ эмас. Тарихда бунга мисолларни кўплаб топиш мумкин. Масалан, бугун оламга машҳур "Аида" операси ёки АҚШдаги "Озодлик" ҳайкали яратилиш тарихини ҳаммаям билавермайди.

1869 йили Миср ҳукмдори Исмоил пошо Сувайш канали очилиш маросими учун машҳур итальян композитори Жузеппе Вердига янги опера ёзишга буюртма берган. Ва бу буюртма — "Аида" операси 1871 йили Қоҳира театрида илк бор намойиш этилади.

Бундан ташқари, у каналнинг кириш жойига сув устига ўрнатиш учун француз ҳайкалтароши Фредерик Бартолдига қўлига машъал тутиб олган мисрлик аёл ҳайкалини бунёд этишни илтимос қилади. Бироқ бу лойиҳа қимматлиги учун ундан фойдалана олмайди. Кейинчалик машҳур ҳайкалтарош лойиҳа ғоясидан "Озодлик"ни тайёрлашда фойдаланган...

9

Умуман олганда, пойтахтимиз Тошкент ҳеч замонда мақтовга муҳтож бўлган эмас. Тарихи узоқ-узоқларга кетган бу шаҳар ҳақида ўтмишда ўтган буюк боболаримиз Абу Райҳон Беруний, ал-Хоразмий, Маҳмуд Кошғарий ва ҳатто юнон олими Клавдий Птолемей (II аср) ҳам ўзининг "Географиядан қўлланма" асарида ёзиб қолдирган. Барча даврларда Тошкент, дейилса, "эски шаҳар" ҳамманинг кўз олдига келган. Аммо узоқ асрлар Тошкентнинг маданий орбитаси бўлган айни бу гўшада кейинги 100 йилда нималар юз берди, қандай ободончилик қилинди? Тарихни титкиласангиз, саволингизга жавоб ўрнида ўтган асрнинг 80-йилларида совет даври модернизми сифатида туҳфа қилинган "Чорсу" бозорини ва мустақиллик йилларида барпо этилган Хастимом мажмуасини, кейин унга туташ манзилда қурилган "Зарқайнар" модалар уйини кўришингиз мумкин эди. Ҳолбуки, бу маскан доимо қадим Шошнинг маданий орбитаси бўлиб келган...

Бугун эса вақт ажратиб, "эски шаҳар"га бир боринг ва мўъжизани кўринг. Агар ўзингизни тарих ичига кириб қолгандек ҳис қилмасангиз, хаёлингиз узоқ ўтмиш билан мулоқотга киришмаса, мен кафил. Айниқса, марказнинг асосий кириш эшиги юз тутган "Қорасарой" кўчаси сизни бутунлай мафтун этади. Арзимаган муддат ичида бу даражадаги ўзгаришларни амалга ошириш... Очиғи, одамнинг ақли ожизлик қилади. Ўз вақтида мен ҳам пойтахт туманларининг бир нечтасида биринчи рақбар бўлиб ишлаганман. Ўша даврларда битта канализацияни ишга тушириш учун йиллаб вақт кетар, таъмирлаш учун экскаватор тополмай, ойлаб сарсон бўлардик. Бу ишлар эса худди тушга, эртакка ўхшайди...

Мен аниқ ишонаманки, Ислом цивилизацияси маркази нафақат эски шаҳарнинг руҳоний тарихини қайта жонлантиради, балки Тошкентни худди Самарқанд, Бухоро каби минтақамизнинг маданий орбитасига айлантиради.

10

Рус ёзувчиларидан бирининг "саҳнага милтиқ осилган бўлса, у албатта охирида отилиши керак!" деган машҳур ибораси бор. Гап гарчи театр санъати ҳақида айтилган бўлса-да, мантиқ нуқтаи назаридан бизнинг ҳозирги ҳолатимизга-ям мос тушиши мумкин. Мен энди мақолага нега бундай кескин сарлавҳа танлаганим, бундай туйғу кўнглимда қандай пайдо бўлгани ҳақида ҳам гапирмасам, ёзилган матн ўз мантиғини йўқотиши мумкин. Шунинг учун келинг, айтай.

Мен кўз олдимизда очилган ушбу тарих — Ислом цивилизацияси маркази билан танишиб, кўнглимдан иккита ўкинч ўтди. Биринчидан, шундай улуғ тарихимиз бўла туриб, уни дунёга кўрсатолмаган эканмиз. Қолаверса, дунё бўйлаб инсониятни мафтун қиладиган маданий меросимиз сочилиб ётган экану, уларни бир жойга йиғиш, шу нодир буюмларни бизнинг боболаримиз ясаган, ижод этган, ихтиро қилган, деб кўрсатиш ҳақида ўйламабмиз.

Ҳолбуки, совет замонлари зулмини чиқариб ташлаганда ҳам Шароф Рашидовдан кейинги, миллий масалаларда сал-пал нафас олиш имконияти юзага келган даврлардан буён бу мамлакат тепасига нечта раҳбар келди?! Нега биз, ҳатто, мустақиллик йилларида ҳам бу ишларга киришмадик. Нега? Нега? Нега?.. Пулимиз йўқмиди? Ахир устимизга бугун осмондан бойлик ёғилмади-ку. Пахтамиз ҳам, олтинимизу газимиз ҳам ўша-ўша-ку... Унда нима учун бу ишларни илгарироқ қилмадик, кимдан, нимадан қўрқдик?!

Табиийки, бундай ўй-фикрлар одамда тарих ва ўтган аждодларнинг пок руҳи олдида айбдорлик ҳиссини туғдиради. Қолаверса, бой берилган вақт, бефарқлик, буюк тарих ва маданиятга менсимай қараш одамнинг кўнглида, юқорида айтганимдек, аламни қўрлантиради...

Аммо бу кўҳна дунё ҳикматларга тўла. Кўнгилдаги ғам, дилдаги ғуссани кутилмаганда қандайдир ғайритабиий бир ҳодиса ювиб ташлаб, нафақат сизнинг қалбингизни, балки бутун оламни чароғон айлаши мумкин. Шу маънода, бугун биз Шавкат Мирзиёевнинг миллатга, ватанга бўлган чексиз муҳаббати, ўз она халқи олдидаги фарзандлик бурчига бўлган садоқатини кечаги кун хатолари, халқнинг дилидаги андуҳларни ювиб кетадиган толенинг бир иноятидек қабул қилсак, адолатдан бўлади, албатта.

Бошланиши 1-бетда

Гапнинг мавриди келди, бир масала бўйича фикримни очиқ айтмоқчиман. Зотан, унинг бугунги мақолага алоқаси бор. Мамлакатимизда Учинчи Ренессанс масаласида гап-сўзлар кўтарилган ва бу мулоҳаза ғоя сифатида юқори минбарлардан айтилган кезларда баъзилар бунга истеҳзо билан қараганини яхши эслайман. Бундай кайфиятдагиларни бугун "йўқ" десам, ёлғон гапирган бўламан — шундай тушунча ва қарашдагилар ҳозир ҳам бор. Аммо муаммо шундаки, бу каби одамлар олиб борилаётган сиёсатнинг фақат устки қатламинигина кўраётир. Шавкат Мирзиёев феноменидаги "ўзга"лик шундаки, у ичидаги орзу-армони, ўз халқи, ватанига бўлган ёниқ муҳаббатини намойишкорона ифода этмади, писанда қилганлар, турли даражадаги киноя-ю қочиримлардан баландроқ турди. Аммо унинг фаолиятини жиддий кузатган киши Президент сийратидаги асл манзарани, оташин ғояни илғаши мумкин.

3

"...Нима учун Ислом цивилизацияси марказини қилдик? Миллатимизнинг шону шавкатини тарихга муҳрлаб қўйиш учун. Бу ерга кирган одам чиққандан кейин бу миллатга таъзим қилиши учун қилдик буни...".

Айни иқтибос мазмунан Президентимизнинг шу йил мустақиллик байрами арафасидаги фаоллар билан бўлган учрашувдаги жонли нутқидан олинди. Қуйида келтирадиган матнимиз эса, давлат раҳбарининг 2023 йилги маърузасидан. Мана, унда нима деган эди:

"Ўтмишга назар ташлар эканмиз, аччиқ бир ҳақиқатни тан олишга мажбурмиз: "ўзбек" деганда, фақат эрта-ю кеч пахта далисида меҳнат қиладиган заҳматкаш инсонлар тасаввур қилинар эди. Афсуски, шу даражага тушиб қолган эдик.

Пахта ҳукмронлиги ўзбекнинг пешонасига ёзилган бало бўлди. Пахта сиёсати Оролни қуритди, экологиямизни инқирозга олиб келди, иқтисодиётимизни, таълим тизимини издан чиқарди. Оқибатда бир неча авлод чаласавод бўлиб вояга етди. Биз бунинг асоратлари билан ҳалигача курашяпмиз".

Фавқулодда икки иқтибосни чоғиштириб ўқиган киши биринчисининг кейингисига нима алоқаси бор деган хаёлга бориши мумкин ва бу табиий ҳам. Чунки икки матн ҳам давр, ҳам мазмун жиҳатидан фарқланади. Аммо уларни изма-из мақолага жойлаётганимизнинг сабаби бор.

Сабабки, айни усул биз ҳали айтган, давлат раҳбари ички оламини, орзу-армонларини тусмоллаб кўришда, асл истак ва ғояни аниқлаб олишда ёрдамчи бўлади.

Дарҳақиқат, иқтибослар тагматнига жиддий эътибор қилсангиз, келтирилган мурожаатларнинг кўздан панада қолаётган риторикаси уларни бир маънолига айлантириши мумкинлигига шоҳид бўласиз. Яъни Президентнинг ренессанс, маънавий юксалиш ҳақида айтаётган фикрлари, мурожаатлари шунчаки, дейлик сиёсий популизм эмас, балки фундамент асосга, аниқ режага асосланган ғоядир. Мана, ўзингиз бир эътибор қилинг, биз бугун мақолага асосий мавзу қилиб танлаган "Ислом цивилизацияси маркази" қурилиши фикри Президент томонидан айнан у эндигина ишга киришган, 2017 йил ўртага ташланган ва бу улуғ ташаббусга киришилган эди. Айнан ўша йиллари Учинчи Ренессанс, тарихий маданий мерос, жумладан, мусулмон ва ундан кейинги темурийлар уйғониш даври, буюк аждодлар хотирасига қарашнинг янги ўзанга ўтгани Президент Шавкат Мирзиёев мафкуравий сиёсатининг асл ўзагига айланди. Бир сўз билан айтганда, унинг ички оламида яшаётган ва мудом уни қийнаётган биргина армон бордек туюлади баъзан. Бу — миллатнинг, ватаннинг қадр-қимматини жойига қўйиш, топталган, баъзан эса оёқости бўлган шону шавкатимизни улуғлаш...

Мен у кишининг халқимиз ўтмиши, ватанимиз тарихи ҳақидаги ёниқ суҳбатларини кўп бор эшитиш бахтига муяссар бўлганман: *"Ўзбек ёки Ўзбекистон, деса нега доим пахта, ош, дўппи-ю чопон ва яна пахта гулли чойнак-пиёлани, чойхона-ю меҳмондўстликнигина мисол қилишади, шулардан бошқа дунёга кўрсатадиган, бизни танитадиган қийматли нарсамиз йўқми? Буюк тарихимиз, дунёни қўлига қаратган, ўз илми зиёси билан жаҳонни мафтун қилган аждодларимиз меросини нега дунёга кўз-кўз қилмаймиз? Нега шундай буюк тарихий хотирадан ҳадиксираймиз, бекитамиз, кўрмаганга оламиз, улугларнинг номларини айтишдан, меросларини элга танитишдан чўчиймиз. Ахир инсониятга математикадан тортиб, тиббиётгача, фалакиётдан фалсафа-ю мусиқагача дарс берган, бугунги замонавий илм-фаннинг кўплаб соҳаларига асос солган шу улугларимиз эмасмиди?! Олтойдан Ўрта ер денгизигача, Мисрдан Ҳиндистонгача империялар қурган, дунёдан ҳисоб сўраган ўша ўзимизнинг боболаримиз эмасмиди?.. Бугун биз нега бундай аҳволга тушдик, болаларимизнинг нега елкаси қисиқ, боши хам, нигоҳлари ерга қадалган?.."*.

Мен Шавкат Миромоновичнинг оғзидан бу гапларни эшитганимга деярли ўттиз йиллар бўлган. Ва аниқ биламанки, ўтган даврлар мобайнида бу ички дард — миллат қайғуси уни руҳан миллатпарвар, ватанпарвар ва ўз халқининг ёвқур бир фарзанди сифатида улғайтирди, тарбиялади.



тушиб қолади. Аслида, умуминсоний қийматга эга бўлган бу меросга кўпроқ биз даъвогарроқмиз. Гарчи Бағдод халифалик маркази бўлган ва кимлардир айни Буюк Уйғонишни Яқин Шарқ билан боғлашга, етук алломаларни эса форс ва ёки араб маданий оламига алоқадор қилишга ҳарчанд уринмасин, тарихий марказ ҳамда асосий интеллектуал "база" бизга тегишлилигича қолаверади. Бу тарихий аксиомадир. Мушоҳада қилаётган фикрларимизни Ф.Стар бир асарида жуда асосли ва ҳаққоний тарзда шундай ифода қилади: *"...Халифа Ал-Маъмун милодий 818 йилда тайинланганига қарамай, Марказий Осиёни тарк этишдан бош тортди ва мусулмон дунёсини ҳозирги Туркманистон ҳудудида жойлашган бетакрор Марв шаҳридан туриб бошқарди. Кейинчалик Багдодга кўчар экан, у туркий лашкарлари билан бир қаторда ўзи билан форсий ва туркий маданиятлар таъсирининг "қоришмасидан" ҳосил бўлган Марказий Осиёнинг қадриятларини олиб кетади. Марказий Осиёдан Яқин Шарққа бу кўчиш юнон билим масканларидан Римга қараб ҳаракатланган қадимий "ақллар кўчиши" йўсинида рўй берган"*.

Оксфорд университети илмий ходими, қадимшунос олим Пол Уордсворт минтақамиз ўтмиши ҳақида фикр билдираркан, унинг ўз вақтида жаҳон тартиботида тутган муҳим ўрни борасида гапиради. *"Кўпчилик сайёрамизнинг улкан материги Овроосиёдаги бир-бирига туташ минтақалар ўзаро жипс боғланган деб ўйлайди, — дейди олим ВВСга берган интервьюсида. — Аслида, бундай эмас. Чунки Марказий Осиёда дунёнинг энг баланд тоғлари жойлашган. Узун ва асов дарёлар оқади.*

Милоднинг биринчи минг йиллиги ўртасида Марказий осиёлик савдогарлар бу мураккаб табиатли минтақани кезиш ва савдо-сотиқ қилиш ҳадисини олишганди. Минтақа фақатгина савдо йўллари юраги эмасди. Бу ерда илм-фан ҳамда ижод гуркираган.

Олимлар шаҳарма-шаҳар юриб, билим алмашишган. Ипак йўлидаги Бухоро ва Самарқанд каби шаҳарлар илм-фан марказларига айланган. Улар ўз вақтида Марказий Осиёнинг Оксфорди ва Кембрижи каби бўлган.

Кўпинча Ипак йўли ҳақида гап кетганда билиб-билмай фақат ё Хитой ёки Рим империяларига қараб фикр юритишади. Ва бу ҳолатда икки ўртадаги ҳудудлар гўёки ташқи таъсирлар остида қолгандек тасаввур пайдо бўлади. Марказий Осиёнинг ҳаққоний тарихи эса айни стереотипларни ўзгартиришга ёрдам беради. Зотан, бу ерликлар ўз ақл закоси ҳамда ўзига хос маданиятлари билан Овроосиёни битта қилиб боғлай олишган...".

Лекин муаммо шундаки, Уордсворт алоҳида айтаётганидек, ҳақиқатан, бу ўлка узоқ йиллар ташқи таъсирлар соясида қолиб кетди. Энг аччиқ-нарлиси, бугун ҳам бизни у ёки бу буюк қудрат (держава)нинг "томорқа"си сифатида кўрсатиб, сафлардан суриб чиқаришга интилаётганлар йўқ эмас...

6

Тан олиш керак, бизда тарихга назар турли даврларда турлича бўлган. Шундай вақтлар бўлдики, баъзан унинг итоаткор қулига айландик. Баъзан эса ундан фахрланиш билангина ўзимизни овутдик. Билгунимизча тўқиб-бичдик, қўлга қайчи олиб, истагимизга мосладик. Очиқроқ гапирадиган бўлсак, совет даврида мозийга қарашимиз қандай бўлганини кўпчилик яхши билади. Аммо мустақилликка эришгандан кейин ҳам ўтмиш маданиятига муносабатларимизда унчалик кўп ўзгариш бўлган эмас. Тўғри, бу борада умуман янгилик бўлмади, дейиш ноинсофлик бўлади. Нималардир гапирилди, ташаббуслар кўрсатилди, аммо ҳали айтганимдек, хоҳишга кўра. Айни масалада гап кетар экан, мен Шаҳрисабздан "йўлга тушиб" Самарқанд орқали пойтахт Тошкентнинг қоқ марказида ўзининг тугал поэтик ифодасини топган ансамбль — буюк соҳибқироннинг бронзадан ясалган муҳташам сиймоларини алоҳида айтган бўлардим. Улуғ бобомиз шахси ва меросига кўрсатилган эҳтиром айтиш мумкин бўлса, мустақилликнинг дастлабки йилларида қилинган энг катта ишлардан бири эди. Тарихий ёдгорлик ўрнатилган кенг ва улуғвор майдонга унинг номи берилиши ҳамда туташ манзилда Темурийлар тарихи давлат музейининг бунёд этилиши ўтмиш меросга бўлган расмий муносабатимизни янада ойдинлаштирди. Яъни бунда Темур сиймоси ва салтанати маҳобатини мустақил давлатчилигимиз рамзи *(шу ўринда айтиш керакки, бу гоя яқин тарихимизда илк бор жадидлар томонидан кўтарилган. Улар бу борада фақат соҳибқирон шахсияти билан чекланмаган. Кўктурк Атилла, Билга Хоқон, Ўзбекхон ва ҳатто биз мудом иккиланадиган Чингиз хотираси ҳам улар миллий тафаккурини ёритиб турган)* сифатида қабул қиламиз, деган маъно бордек эди. Очиғи, эндигина эркинликни қўлга киритган собиқ совет республикаси учун бу мутлақо тушунарли ва ҳатто олқишга арзийдиган ҳодиса эди. Аммо бу хотиржамликни "бузадиган" истиснолар ҳам йўқ эмасди. Ўша маҳаллар гарчанд расмий бўлмаса-да, биз юқорида кўп гапирган "тарихга қарашимиз" шундай тус олдики, унга кўра, ўтмишимиз Темур ва Темурийлардан бошланади ва оёқлайди... Албатта, бу мулоҳаза дағалроқдай туйилиши мумкин, аммо асл аҳвол бундан пеш эмасди. Тўғри, минг йил нари ўтган алломалар, шахслар аҳёнаҳён эсланар, сиёсий матнларга зеб бериш учун номлари маърузаларга киритиларди, бироқ ҳеч маҳал халқимизнинг уч минг йилдан ортиқ, дея эътироф этилаётган ўтмиши кенг маънода тан олинмасди. Эҳтимол, бугун Берунийни, Хоразмийни, ибн Синони, Форобий ва бошқа улуғларимизни араб ё форс миллатига мансуб эди, деяётганларга бизнинг ўз меросимизга бўлган айни ўша муносабатимиз ҳам сабабдир. Қайдам, аммо бу жуда ғалати ва мантиқсиз қараш эди.

Ўзингиз ўйланг, ўша пайтларда ҳам шаҳарларимиз, маданиятимизнинг неча минг йилликлиги ҳақида гапирар, қадим кентлар, дунё тан олган бағзи алломаларимизнинг 1000-2000 йиллик "тўй"ларини нишонлардик. Ва шу билан бирга тушунарсиз равишда миллий тарихимизни яна XIV аср — Темур давридан бошланади деган қарорга рағбат кўрсатардик. Энг қизиғи, ундан олдинги ўнлаб, кейин ўтган бус-бутун олти аср ҳақида эса деярли эсланмас, бу ўтмиш олим ва ёзувчиларнинг қўлёзмаларидагина "ҳаёт кечириш"га маҳкум этилганди гўё. Юмшоқ қилиб айтганда, бу моҳиятан тарихни мафкурага, сиёсатга бўйсундириш эди. Яъни ўтмишни саралаймиз, чамалаймиз ва сиёсатимизга мос бўлагини олиб ўз "эҳтиёжимиз" учун истифода этамиз. Масалан, давлат ёки сиёсий-мафкуравий популизм йўлида. Дейлик, зиёлилар ва оммани эҳтиросини босиш, қолаверса, халқаро жамоатчилик кўзига ўзини постколониал "ботқоқ"дан чиқиб кетаётгандай кўрсатиш илинжидагина қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш учун Юнусободда мажмуа ва зиёратгоҳ қурамиз, йилига бир марта бўлса-да, уларнинг ҳақига Қуръон тиловат қилдириб, қўлларимизни дуога очамиз, бироқ озодлик йўлида шаҳид бўлган бу ойдинларимиз номини қора рўйхатлардан ўчирмаймиз. Собиқ иттифоқ олий суди қарори билан отилган ва "халқ душмани" сифатида бадном этилганлар рўйхати аслича қолаверади...

Майли, бу алоҳида ва жуда чуқур мавзу. Буни эсга олганимнинг сабаби шу ҳолат расмий сиёсатнинг қанчалик самимий ёки акси бўлганини яхши очиб бериши мумкинлигини учундир. Шу боис, унга мухтасар тўхталдим.

7

Энди мақоламизга асос қилиб олинган объект ҳақида ҳам тўхталсак, менимча, тўғри бўлади. Юқорида айтганимиздек, ушбу мажмуа қурилишига 2017 йилда киришилган эди. Тошкентнинг машҳур Ҳазрати Имом мажмуаси ҳудудида жойлашган лойиҳа 10 гектарлик майдонни ўз ичига олади. Муҳташам иншоотнинг узунлиги 161, эни 118 метр. У уч қаватдан иборат. Марказидаги мовий гумбаз баландлиги 65 метрни ташкил этади. Бино 1,8 гектар майдонда барпо этилиб, фойдаланиш ҳудуди 42 минг квадрат метр. Бу статистиканинг ўзи шуни кўрсатадики, ислом цивилизацияси маркази ўзининг маҳобати, майдони ва қамровига кўра, дунёда ислом тарихи, маданияти ва цивилизацияларини ўрганиш ва тарғиб этишга қаратилган энг катта мажмуалардан бирига айланади. Келинг, ушбу муҳташам обидани ўз кўзи билан кўрган ва бундан чексиз ифтихор, ғурур туйган одам сифатида уни батафсилроқ шарҳласам.

Мажмуа Шарқ ва миллий меъморчилик анъаналари асосида лойиҳалаштирилган бўлиб, ичига чор тарафдан тўрт асосий портал орқали кириш мумкин. Ҳар бир портал ва бинонинг ташқи (фасад) қисми илм, маърифат, бағрикенглик, ота-онага ҳурмат каби муқаддас қадриятларни тарғиб этувчи Қуръон оятлари ва ҳадислар билан безатилган.

Марказ музейида Қуръони карим зали, Исломдан аввалги давр цивилизациялари, Биринчи Ренессанс, Иккинчи Ренессанс ва Ўзбек хонликлари даври, Ўзбекистон XX асрда, Янги Ўзбекистон — Янги Ренессанс экспозициялари ўрин олади. Бундан ташқари, унинг иккинчи қаватида халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари, шунингдек, Al-Furqan, Оксфорд Ислом тадқиқотлари маркази, Туркия, Россия ва Марказий Осиё мамлакатларининг 100 дан ортиқ илмий институтлари, музей ва кутубхоналари филиаллари очилади.

Эътиборлиси, марказ фаолиятида маҳаллий ва хорижий тажрибалар асосида илмий тадқиқотларни лойиҳалаштириш тизими ҳам жорий этилган. Шу ўринда хаёлдан қочмаслиги учун бир масалани айтиб кетай. Биз бугун юртимизда дунёга келган буюк ҳодиса — икки ренессанс ҳақида жуда кўп гапирамиз. Аммо унинг қандай юз кўрсатганлигини кўпам мушоҳада қилиб ўтирмаймиз. Тарих шуни кўрсатадики, бу Уйғониш даврлари ўз вақтида маданиятлар алмашинуви, жаҳон илм-фанига интеграциялашув орқали юз берган эди.

Марказда дунёнинг кўплаб илм масканлари, маданий институтлар бўлимларининг бизнинг олимлар, зиёлилар билан ҳамкорлиги йўлга қўйилиши, содда қилиб тушунтирганда, жаҳондаги энг илғор (эсланг, халифа Маъмун ҳам, Темур ҳам ўз салтанатига юксак ақл эгаларини йиққан ва рағбатлантирган) интеллектларни Ўзбекистонга олиб келиш жуда катта истиқболдан дараклайди. Кези келганда шуни айтиш керакки, мазкур иншоот қурилиши ва бу ердаги музей ва бошқа маданий объектларнинг жиҳозланишида дунёнинг ўнлаб давлатларидан энг олди мутахассислар, олимлар иштирок этишган. Шунинг учун ҳам марказнинг довруғи у очилмасданоқ оламга ёйилди, десам, тўғри гапни айтган бўламан. Зотан, ҳозирданоқ Ислом санъати музейи (Малайзия), Сулаймония кутубхонаси (Туркия), Азрет-Султон мажмуаси (Қозоғистон), Болонья университети (Италия), Ратти фонди, Альберто Леви коллекцияси, Миллий Озарбайжон тарихи музейи, АҚШнинг Дэвид Пейли, Брюс Баганза, Дэвид Рейсборн коллекциялари, Россия давлат Эрмитажи, Санкт-Петербургдаги Давлат дин тарихи музейи ва Маржоний фонди каби кўплаб ташкилотлар ўз кўргазмалари билан унинг тантанали очилиш маросимида иштирок этиш истагини билдирган.

Музей фаолиятини йўлга қўйиш жараёнларида яна бир муҳим жиҳатни кўрдим ва бу мени ниҳоятда хурсанд қилди. Яшириб нима қилдик, илгарилари ижтимоий тармоқ ёки хорижнинг расмий ОАВларида "Ўзбекистондаги фалон музей ёки институтдан қадимий қўлёзма, тарихий қимматга эга бўлган артефакт ўғирланиб, қинғир йўллар билан писмадон давлатга чиқариб юборилган", деганга ўхшаш хунук, қалбингни оғритадиган ахборотларни кунда бўлмаса-да, тез-тез эшитиб, ўқиб турардик. Бугун эса гап хуфиёна ўғриликлар ҳақида эмас, балки худди шундай қароқчилик, талончилик йўллари билан четга олиб чиқиб кетилган халқимизнинг маънавий бойликлари юртимизга қайтарилаётгани ҳақида. Гап шундаки, яқинда Лондондаги "Сотбис" ва "Кристис" савдо уйлари, йирик коллекционерлар ва арт-диллерлардан мазкур музей учун Ўзбекистон маданий меросига оид 580 дан ортиқ (эътибор қилинг, олти юзга яқин дурдоналаримиз ўзимизга қайтмоқда. Бу тарихимизда кўрилмаган ҳолат) турли артефактлар сотиб олинган. Уларнинг орасида Амир Темур топшириғига асосан хаттот Умар Ақта томонидан кўчирилган улкан Қуръон қўлёзмасининг бир парчаси (Бойсунғур Қуръони), Бобурийлар даврига оид иккита ханжар, битта қилич, битта қимматбаҳо ханжар дастаси, XVIII-XIX асрларда ўзбек хонликлари даврида яратилган 5 дона кашта, Бобурийлар ва Сафавийлар даврига оид 3 та миниатюра, Олтин Ўрдага тегишли 2 та олтин тақинчоқ, Жалолиддин Румийнинг Бобурийлар даврига оид иккита ханжар, битта қилич, битта қимматбаҳо ханжар дастаси, XVIII-XIX асрларда ўзбек хонликлари даврида яратилган 5 дона кашта, Бобурийлар ва Сафавийлар даврига оид 3 та миниатюра, Олтин Ўрдага тегишли 2 та олтин тақинчоқ, Жалолиддин Румийнинг Бобурийлар даврига оид иккита "Маснавийи маънавий" асари, Темурийлар даврида кўчирилган Ҳофизи Абрунинг "Мажмаъ ут таворих" асари саҳифаси, Сўғд, Қорахонийлар ва Салжуқийлар даврига оид сопол ҳамда кумуш идишлар...

Рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Лекин биз айтмоқчи бўлаётган гап рўйхатнинг узун-қисқалигида эмас, балки тақдирнинг бизга шундай улуғ ишларни бошида турадиган, миллати, ватани ғурурини ўйлаб, боридан кеча оладиган мард инсонни раво кўрганида...

8

XVI-XVII асрларда яшаган тарихчи Мутрибий Самарқандий ўз асарларидан бирида шайбонийлар сулоласининг ёркин вакили, Туроннинг сўнгги ҳукмдори Абдуллоҳхоннинг бунёдкорлик салоҳияти ҳақида ёзатуриб, хоннинг қуйидаги иқрорини келтиради: *"...Амир Алишер Султон Ҳусайн мирзонинг ходими бўла туриб ўзидан бир минг хайр иншооти ёдгор қолдирди. Биз подшоҳмиз, қурилишлар сонини ўн мингга етказмасак, ўзимизни ҳукмдорман, деб юрган эканмиз-да"*.

Бундан кўринадики, тарихда ўтган буюк қалбли ҳар бир етакчи қуриш, яратишга ўз абадиятининг гарови сифатида қараган. Аммо булар орасида ҳам ўзидан ўчмас из қолдирганлари унчалик кўп бўлмаган. Маърифатга, санъатга, маданиятга суянган, шу улуғ дарёлардан сув ичган ташаббусларнинг умригина боқий бўлган. Буни биз ўз тарихимиздан Биринчи ва Иккинчи Ренессанс юзага чиққан замонлар мисолида айтиб ўтдик.

Бугуннинг гапи

Бугунги Ўзбекистон ёшлари кечагидан кўра билимли, талабчан авлоддир. Улардан ҳар бирининг тақдирига давлатимиз катта масъулият билан ёндашмоқда. Таълимга бундай эътибор, муаллимга ҳурмат ва кечаётган ислоҳотлар ҳар бир ватандошимизнинг юрак-юрагига кириб бормоқда. Бу фикримизга давлатимиз раҳбарининг Бўстонлиқ туманида ўқитувчи ва мураббийлар билан мулоқоти ёрқин далил бўлди.



ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАВИЙ ТАЪЛИМ ВА ИЛМ-ФАН ХАБИГА АЙЛАНМОҚДА



Фазлиддин МЎМИНОВ,
Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Йиғма ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи

Дунёдаги энг улуғ иш

Мулоқотда мамлакатимиз раҳбари ўз ҳаётини ёш авлодга таълим ва тарбия беришдек дунёдаги энг улуғ ишга бағишлаган барча устозларни яқинлашиб келаётган касб байрами билан самимий муборакбод этиб, **“Таълим сифати юқори бўлган мамлакатда иқтисодиёт барқарор ўсиши, бу — ҳаёт қонуни”** эканини таъкидлади.

Дарҳақиқат, улуғ педагог Абдулла Авлоний айтганидек, “Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат масаласидир”. Бу сўзлар ҳозир ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Зеро, ҳар қандай жамиятнинг келажаги, унинг тараққиёти илм-фан ва маърифатга берилган эътибор билан белгиланади. Бу ҳақиқатни чуқур англаган мамлакатимиз етакчиси таълимни давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири этиб белгилади. Натижада қисқа давр ичида ўқитувчилар мактабга, ёшлар илмга қайтди. Ўзгаришларнинг дастлабки даврида таълим тизими қонунчилиги муҳим ҳуқуқий асослар билан мустаҳкамланди. Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори олий таълим тизимидаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқди. Хусусий олий таълим муассасалари фаолияти ривожлана бошлади. Ёшларнинг олий таълим билан қамров даражаси сезиларли ошиб борди. Мазкур жараёнлар эса Ўзбекистонни таълим дастурларини амалга оширувчи хабга айлантиришга, инвестициявий жозибадорлик ошишига, хорижий таълим ва илм-фан технологиялари жалб этилишига имконият яратди. Пировардида таълимга йўналтирилган харажатлар 6 баробар ошди. Олийгоҳлар сони 77 тадан 202 тага етказилиб, олий таълимда қамров 9 фоиздан 43 фоизгача ўсди, талабалар сони 1,5 миллиондан ортди.

Кредит-модуль тизими тўлиқ жорий этилиши, 86 та таълим дастури халқаро аккредитациядан ўтказилиши ва 2000 дан ортиқ дастурнинг ТОП-300 университетлар мезонларига мослаштирилиши бу жараённи янада тезлаштирмоқда. Бундан ташқари, ТОП-500га кирган университетлар билан 17 та қўшма таълим дастури қабул қилинди.

“Аввал тест, кейин танлов” тамойили асосидаги қабул имтиҳонлари адолат ва шаффофликни таъминлади. Хотин-қизлар учун давлат гранти 2 баробар оширилди. Рақамлаштириш жараёни ҳам ортда қолаётгани йўқ. “Рақамли университет” лойиҳаси доирасида HEMIS тизими ишга туширилиб, электрон кутубхона платформаси йўлга қўйилди ва адабиётларнинг қарийб 87 фоизи электрон шаклга ўтказилди. “Регистратор офиси” орқали 96 та олийгоҳда 30 тадан 85 тагача хизмат кўрсатилмоқда. Талабалар турар жойлари билан қамров 28 фоиздан 54 фоизга етказилди. Барча учун олий маълумот олишга кенг шароитлар яратилди.

Янги Ўзбекистонда энг муҳим соҳа — таълим, энг ҳурматли инсонлар — ўқитувчи ва мураббийлардир. Мулоқотда Президентимиз томонидан баралла айтилган бу эътироф минглаб устозлар қалбини ёритиб юборди. Давлатимиз раҳбарининг кучли сиёсий иродаси, илмпарварлиги, педагогларга ҳурмат-эътибори ва бу йўлдаги қатъияти бугунги авлодга ҳақиқий ибрат бўлаётгани рост. Афсуски, муайян вақт бу эътибор сусайди. Оқибатда илм-фан ривожи ортда қолди. Булар энди тарих. Пахта далаларида совурилган олтин вақтлар, мажбурий меҳнат шароитларида ўтган илмнинг умри энди ёшариб бормоқда. Айтиш керакки, Президентимиз ўқитувчи қадрини англаш, уни шарафлаш бутун жамиятнинг бурчи эканини ислоҳотлар моҳиятида тушунтира олди.

Ҳа, бугун миллий таълимга қаратилган эътибор тобора кучаймоқда. Ёшларимиз тили билан айтганда, таълим “трендда”. Бу эътибор эндиликда янги ўзгаришлар, берилаётган имтиёзлар орқали янада ортади. Чунки мулоқотда бу борада қатор таклифлар, ташаббуслар илгари сурилди.

Жумладан, мактаб таълимида 9- ва 11-синф ўқувчилари учун ягона давлат имтиҳонлари жорий этилиб, битирувчиларнинг касб ёки олий таълимга йўналиши белгиланади.

2026 йил — Ёшларни замонавий касб-ҳунарга ўргатиш йили деб эълон қилинди. Бунинг учун Касбий таълим агентлиги ташкил этилиб, 100 та техникумда Германия, Швейцария, Хитой ва Жанубий Корея каби давлатларнинг илғор касбий таълим дастурлари жорий этилади. Техникумларда дуал таълим тизими кенгайтирилиб, “инвестор — тармоқ — техникум” занжири асосида корхоналар билан ҳамкорлик кучайтирилади.

Шунингдек, 15 йилдан ортиқ стажга эга олий тоифали педагогларга ипотека кредити бошланғич бадалининг 25 фоизи қопланади. Педагоглар фарзандларини олийгоҳга ўқишга кирса, контракт суммасига 30 фоиз чегирма берилади. Ўқитувчиларга компьютер хариди учун 10 миллион сўмгача имтиёзли кредит ажратилади. Техникум ўқитувчиларига илмий даража ва унвонлар учун устамалар тўланади. Рейтингда юқори ўринларни эгаллаган мактаб, боғча, техникум ва олийгоҳ педагогларига Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш учун чипталарга чегирмалар берилади.

Бугунги кунда 598 та техникумда 353,1 минг ёш 301 та касб ва мутахассислик бўйича таълим олмоқда. Дуал таълим тизими кенг жорий этилиб, 430 та техникумнинг 34 минг ўқувчиси 9775 та корхона билан ҳамкорликда, 3029 ўқувчи эса Германия тажрибаси асосида ўқитилмоқда. Энг муҳими, Ўзбекистон келажакда юқори малакали ишчи кучига бўлган талабни қондириш учун халқаро стандартларга ўтяпти. Яъни 2025/2026 ўқув йилида 60 та техникумда 7384 ўқувчига Германия, Буюк Британия, Швейцария, Жанубий Корея ва Беларусь таълим дастурлари бўйича илм бериляпти.

Илмий инновация — тараққиёт локомотиви

Буюк мутафаккир Маҳмудхўжа Беҳбудий айтганидек, “Илм-маърифатсиз бир миллатнинг келажаги йўқдир”. Албатта, ҳар бир миллат, мамлакат қудратини унинг илми, инновацион салоҳиятига қараб баҳолаш қийин эмас. Илм-фан ва инновацияларсиз иқтисодий тараққиётни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис, юртимизда сўнгги 9 йилда илмий даражали педагоглар улуши 32,7 фоиздан 46,6 фоизгача ўсди. Докторантурага ажратилган квоталар сони 7,1 баробар ошиб, 5250 тага етказилди. Илмий лойиҳаларга ажратилган маблағ 5,3 баробар кўпайиб, 1,1 триллион сўмлик 559 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Ёш олимлар ва инноваторларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган “Ёшлар академияси” аъзолари сони 6 мингдан ошган. Стартап лойиҳаларга 182,8 миллиард сўм ажратилиб, 299 та стартап йўлга қўйилган.

Бугун Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқеи ҳам тобора ошиб бормоқда. Ўтган йили юртимиз “Global Innovation Index” рейтингида 83-ўринни эгаллади, бу 2015 йилдагига нисбатан 39 поғона юқори натижадир. 7 та олийгоҳимиз дунёнинг энг нуфузли QS халқаро рейтингидан жой олди. “Study in Uzbekistan” веб портали яратилиши, чет тилини билиш даражаси тўғрисида махсус сертификат бериш тизими жорий этилиши, шунингдек, халқаро фаолият Ўзбекистоннинг дунё таълим ҳамжамиятига фаол интеграциялашиб бораётганини кўрсатади.

Янги Ўзбекистон таянчи илм-маърифатли ва касб-ҳунарли ёшлардир. Режалар аниқ, одимларимиз дадил, фақат биргаликда чин дилдан ҳаракат қилсак, олдимизга қўйилган мақсадларга, албатта, эришамиз.



Муносабат

БИЛИМ ВА ТАФАККУР

БАРЧА ТАРМОҚЛАРНИ ҲАРАКАТГА КЕЛТИРУВЧИ, ЯНГИЛАНИШЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ КУЧДИР

Мамлакатимизда янги парадигма шаклланмоқда. Хусусан, замонавий билимларга эга, глобал иқтисодиёт чақириқларига жавоб беришга шай, юқори малакали кадрлар тайёрлашга салоҳиятли тизим яратилмоқда. Таълимга илғор ёндашувлар изчил ва тизимли асосда татбиқ этиляпти. Бу жараёнда асосий масъулият, шубҳасиз, педагоглар зиммасида. Улар меҳнатига шунчаки касб сифатида эмас, балки янги Ўзбекистон “олтин фонди”нинг билим сифати, маънавий ахлоқий йўналишлари ва ҳаётий интилишлари билан боғлиқ миссия сифатида қаралади.



Азамат КАМОЛОВ,
Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Миллий таълим тизими оддий соҳа эмас, балки барча тармоқни ҳаракатга келтирувчи, янгиланишларга хизмат қилувчи асосий кучдир. Бугун Ўзбекистонда таълимга ана шундай юксак эътибордаги йўналиш сифатида қаралади. Бу ўринда ислоҳотлар оддий рақам ёки ҳисоботлардан иборат эмас, балки шахсан Президентимизнинг диққат марказида турган шиддатли жараёндир. Ҳар бир янги мактаб, янги олий таълим муассасаси ёки рақамли платформа — барчаси алоҳида назоратда. Чунки бугун эътибор моддиятга эмас, балки энг қимматли бойлик — инсон капиталига қаратилган. Зеро, билим, тафаккур ва ёшларга йўналтирилган сармоя мамлакат тараққиёти кафолатидир.

Бизга бир ҳақиқат маълум: келажакда кўп ресурсга эмас, кўп ғояга эга бўлганлар ютади. Бугун бу тизимда янги авлод, кенг дунёқарашга эга, креатив, дадил фикрлайдиган ёшлар камолга етмоқда. Ҳар бир ўғил-қиз келажакда муҳандис, олим, тадбиркор, етакчи бўлиши керак. Бу — давлатимиз раҳбарининг устувор мақсади. Мамлакатга кириб келаётган сармоя эса шунчаки маблағ эмас, балки ўзбек ёшларининг ғоялари ва истеъдоди дунё харитасини ўзгартиришига ишончи ҳамдир.

Таълимни тизимли ривожлантириш — давлат дастуридаги энг муҳим йўналиш, миллат тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган стратегик мақсад. Шу боис, бугун Ўзбекистон келажакка ишонч билан йўл очаётган мамлакатга айланмоқда. Бунга мисол кўп. Юртимизда замонавий таълим муассасалари қурилмоқда ва жиҳозланмоқда. Ёшларга умумий ўрта маълумот бериш баробарида қобилиятига мос касб-ҳунар ўргатиляпти.

ўқитиш ва баҳолаш тизими 1500 та мактабда ҳам жорий қилинди. Бу ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида билимли ўқувчиларни саралаб, халқаро даражада тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 15 сентябрь куни ўқитувчи ва мураббийлар билан мулоқотида қайд этилганидек, мамлакатимиз аҳолиси сўнгги 34 йилда 2 баробар ўсиб, 38 миллиондан ошди. Ҳозир мактабларда 6,5 миллион ўқувчи таълим оляпти. Сўнгги саккиз йилда 500 га яқин янги мактаб қурилгани, мавжудлари кенгайгани ҳисобига 1 миллион ўқувчи ўрни очилди. 200 мингдан зиёд ўғил-қиз хусусий мактабларда ўқияпти. Энди мактаб даврида ўқувчиларни қобилиятига қараб касб ёки олий таълимга йўналтиришга 9- ва 11-синф ўқувчилари учун ягона давлат имтиҳонлари жорий қилинади. Шу орқали 400 мингга яқин 9-синф битирувчиси техникумларга қамраб олинади.

Давлатимиз раҳбари касбий таълим масаласига ҳам алоҳида тўхталди. Соҳа учун 2026 йил — Ёшларни замонавий касб-ҳунарга ўргатиш йили бўлиши таъкидланди. Шу мақсадда Касбий таълим агентлиги ташкил қилинади. Агентликнинг асосий вазифаси барча — 598 та техникумга янги муҳит олиб кириш ва халқаро стандартларни жорий қилишдан иборат бўлади.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Таққос ва таҳлил бугунги туб ўзгаришлар аҳамиятини яққол намоён этади. Саккиз йил аввалги таълим тизимимиз ҳақида, тўғриси, ижобий фикр айтиш мушкул. Кейинги йилларда бутун тизимни модернизация қилишга қаратилган кенг кўламли ишлар бошланди. Янги мактаблар қурилди, замонавий ўқув дастурлари ва технологиялар жорий этилди. Жумладан, сўнгги йилларда мамлакатимизда 14 та Президент таълим муассасаси, 201 та ихтисослаштирилган, 2 та спорт ва 9 та ижод мактаби очилди. Улардаги мактаблар — морфология, стоматология, хирургия, педиатрия, неврология, акушерлик ва гинекология, травматология, отоларингринология, юқумли касалликлар ва бошқа йўналишлар бугун нафақат анъанани давом эттиряпти, балки янги кашфиётлар сари йўл очмоқда. Бу янги Ўзбекистонда илмнинг қандай қийматга эга эканини кўрсатади. Бинобарин, илм фақат лабораториядаги натижа эмас. У жамиятни тараққий эттирувчи куч, инсон саломатлигини асраб-авайловчи қудрат. Ибн Сино юртида тиббиётга оид халқаро анжуман ўтказилиши эса шу юрт фарзанди, шу соҳа вакили сифатида бизга катта ғурур бағишлади.

Бугун давлат таълим соҳасини шунчаки қўллаб-қувватламаяпти, балки унга ҳақиқий сармоя киритмоқда. Педагоглар меҳнатини қадрлаяпти. Уларни инновацион ғояларни татбиқ этишга рағбатлантиряпти. Энг асосийси, бу ислоҳотларни соҳанинг ҳар бир вакили ўз ҳаётида ҳис қилмоқда. Шу жиҳатдан қараганда, Президентимизнинг таълим-тарбия соҳаси фидойилари билан мулоқоти мамлакатимиз тараққиёти, эл-юртимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилган муҳим қадам бўлди.

Тиббиёт

СОҒЛОМ МИЛЛАТ ВА ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК КАЛИТИ

Яқинда қадимий шаҳар Бухорода тиббиётга оид нуфузли халқаро конференция ташкил этилди. Ўнта давлатдан 200 дан ортиқ олим ва мутахассис иштирок этган анжуманда замонавий тиббиёт, рақамли технологиялар қўлланиши, хирургия, кардиохирургия, трансплантология, неврология, педиатрия, стоматология, травматология, эндоваскуляр хирургия, акушерлик-гинекология, терапия ва тиббий инновациялар йўналишларидаги долзарб масалалар муҳокама қилинганини инобатга олсак, у биз, тиббиёт ходимлари учун ниҳоятда фойдали бўлди.



Акбар САИДОВ,
профессор

Бухоро заминида бир пайтлар Абу Али ибн Сино яратган илмий мактаб бутун инсониятга хизмат қилмоқда. Унинг тиббиётга оид асарлари ҳануз жаҳон илм даргоҳларида қўлланиб келинмоқда. Шу маънода, конференцияни ўтмиш билан келажакни боғловчи маънавий кўприк, десак арзийди.

Бухоро давлат тиббиёт институти тарихи ҳам бу мероснинг давоми сифатида намоён бўлади. Юзлаб олимлар, минглаб шифокорларни етиштирган бу масканда авлодлар алмашинуви орқали илм пойдевори янада мустаҳкамланди.

Юртимиз тиббиёт таълимида туб ўзгаришлар юз беряпти. Ана шу янгиланишлар таъсирида институтимиз миллий рейтингда олий таълим муассасалари ичида 4-ўрин, тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасалари ичида эса 1-ўринни эгаллади. Бунда замонавий ахборот технологиялари, халқаро стандартларга мос дастурлар, чет эл тажрибалари жорий қилинаётгани катта аҳамият касб этмоқда. Анжуман давомида тажриба алмашиш баробарида Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Туркия сингари мамлакатлар олимлари билан қўшма тадқиқотлар, мақолалар ва талабалар академик мобиллиги бўйича келишувлар имзоланди. Хусусан, Санкт-Петербург давлат университети, И.П.Павлов номидаги Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети ва Москва давлат тиббиёт-стоматология университети билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича аниқ режалар белгилаб олинди.



Институт тарихи бизга ибрат, бугунги ислоҳотлар эса янги мақсадлар манбаи. Ёшлар илм йўлида дадил қадам ташлаши, уни халқ хизматига йўналтириши лозим. Чунки уларнинг қўлида соғлом миллат ва порлоқ келажак калити турибди.

Бухоро давлат тиббиёт институти бугун жаҳон тиббиёти билан ҳамнафас қадам ташлаётган илмий марказга айланган. Институтимизда бир вақтнинг ўзида бир неча илмий кенгаш фаолият кўрсатмоқда, йўналишлар бўйича мактаблар шаклланди, юзлаб ёшлар фанга кириб келмоқда.

Илм-фан ҳеч қачон ўз-ўзидан шаклланмайди. У меҳнат, изланиш ва сабр маҳсулидир. Олийгоҳимиздаги илмий



Ташрифдан кейинги ўйлар

Бўстонлик бошида қуёш балқиди

Жорий йилнинг кузи саховат, барака билан бошланди. Пойтахт вилоятида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар авж паллада. Далаларда ғарқ пишиқчилик. Бордонлар буғдойга тўлди. Мева, сабзавот, узум мўл ҳосил берди. Пахтанинг ҳам чўғи баланд.
Мана шундай дориламон кунларда давлатимиз раҳбарининг Тошкент вилоятига ташрифи маъмурчилик, қут-барака салмоғини янада оширгани турган гап. Одамларда бугунги кунига розилик, эртанги кунига ишонч туйғулари янада мустаҳкамланди.



Бугун Тошкент вилоятига келган, унинг гўзал шаҳар ва қишлоқларида, мард ва олижаноб инсонлари даврасида бўлган юртдошимиз ёки сайёҳми, бутун диёримизнинг ҳақиқий файзи ва тароватини юрак-юрагидан ҳис этади. Негаки Яратган мана шу фусункор юртимизга нимаики ато қилган бўлса, қандай бойликлару неъматлар билан сийлаган бўлса, уларнинг ҳамма-ҳаммасини Тошкент вилоятида тугал кўриш мумкин.

Серқуёш она диёримизда ҳар тонг саховатли бобоқуёш айнан азим Угом-Чотқол тоғ тизмалари ортидан бош кўтариб, бутун юртимизга шуъла сочадигандек гўё. Айнан шунинг учун ҳам бу муқаддас заминга хос танти ва меҳнаткаш, юксак маърифатли одамларнинг эзгу ташаббус ва интилишлари, бой ҳаётий тажриба ва юксак тафаккури бутун мамлакатимизнинг барча нуқталари узра таралиб, акс садо бериб турса, ажаб эмас.

Бу забардаст вилоят нафақат ўз аҳолиси, балки азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида яшаётган уч миллиондан ортиқ кишининг қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари борасидаги ҳаётий талаб ва эҳтиёжларини таъминлашда ҳам беқиёс ўрин тутади.

Бир сўз билан Тошкент вилояти мамлакатимизнинг энг катта ва мустаҳкам таянч тоғларидан бири, десак зинҳор муболаға қилмаган бўламиз.

Президентимиз 15 сентябрь куни таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳига давлат мукофотларини топшириш, шунингдек, таълим сифатини ошириш, ўқитувчи ва мураббийларни янада қўллаб-қувватлаш масалаларини муҳокама қилиш мақсадида Бўстонлиқ туманига ташриф буюрди.

Дастлаб давлатимиз раҳбари тумандаги “Ренессанс” болалар соғломлаштириш оромгоҳи билан танишди. Очиғи, шу биргина объект орқали у ердаги шарт-шароитлар, замонавий имкониятларни кўриб ҳам таълим ва ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганини яққол сезиш мумкин.

Келинг, улардан айримларини санаб ўтамиз. Йил давомида мунтазам равишда фаолият юритадиган “Ренессанс” оромгоҳида ёшлар 3 ҳафталик интенсив курсларда ўқитилади. Яхши натижа кўрсатганларнинг 40 нафари “Печак лигаси” университетларига тажриба алмашиш учун юборилади.

Оромгоҳ 500 га яқин ўқувчини қабул қилиш қувватига эга. Маълумият, ўқув бинолари ва ётоқхонада замонавий шароитлар яратилган. Меҳмонхона, ошхона ҳамда автотураргоҳларга муҳайё қилинган. Ёзда ўтказилган семинарларда фан олимпиадалари ғолиблари, хорижий тил сертификатига эга ёшлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари иштирок этади. Бу тенг имкониятлардан фойдаланган ўғил-қизлар билимини ошириб, келажагига мустаҳкам замин яратади.

Давлатимиз раҳбари оромгоҳ хоналаридаги шароитларни, ёшларнинг ихтироларини кўздан кечирди. Шу ерда Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Президент барча муаллимларни табриклаб, уларга чуқур ҳурмат-эҳтиромини билдирди.

Президентнинг шу йил 11 сентябрдаги фармонига мувофиқ, таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳи фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланган эди. Маросимда ана шу мукофотлар тантанали равишда ўз соҳибларига топширилди. Давлатимиз раҳбари таълим сифатини ошириш, устоз ва мураббийларнинг меҳнат ва яшаш шароитини яхшилаш ислоҳотларнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолишини таъкидлади. Йиғилишда таълимнинг барча бўғинларини ривожлантириш, ёшлар ва педагоглар учун имкониятларни янада кенгайтиришга қаратилган ташаббуслар белгиланди.

Албатта, таълим соҳасидаги ислоҳотлар, қабул қилинган ва қилинаётган қарорлар доирасидаги ишларни бемалол жаҳон стандартларига қиёслаш ва унинг моҳиятини энг ривожланган мамлакатлар мисолида тушунтириш мумкин. Давлатимиз раҳбарининг биргина: **“Таълим сифатини ошириш ҳамда устоз ва мураббийларнинг меҳнат ва яшаш шароитини яхшилаш ислоҳотларимизнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади. Зеро, Янги Ўзбекистонда энг муҳим соҳа — таълим, энг ҳурматли инсонлар — ўқитувчи ва мураббийлардир!”,** дея билдирган фикри бутун анжуманнинг маъно мундарижасини тузиб турибди...

Ташрифнинг иккинчи қисмида Президентимиз Бўстонлиқ туманидаги янги туризм мажмуаси имкониятлари билан яқиндан танишди, айрим масалаларни жойида ҳал қилиб, ўз таклифларини билдирди. Сўнгги йилларда ҳудудда инфратузилма ривожлантирилиб, йилнинг тўрт фаслида мароқли саёҳат учун қулай шароит яратилгани, хусусан, Амирсой, Чиноркент, “Чорвоқ дарвозаси” каби улкан мажмуалар, замонавий меҳмонхоналар, дам олиш ва умумий овқатланиш масканлари ишга туширилгани эътироф этилди.

Энди уларнинг сафига Чимён халқаро умуммавсумий курорти ҳам қўшилади. Францияннинг MND компанияси билан ҳамкорликдаги ушбу лойиҳа учун 1 минг 278 гектар майдон ажратилган. Лойиҳа доирасида меҳмонхоналар ва денгиз сатҳидан 3 минг 300 метр баландликка осма дор йўли қурилади. Чимён тўлиқ мавсумий туризмни таъминлайди. Қишда чанғи ва сноуборд, бошқа фаслларда эса тоғ сайёҳлиги ва кўнгилочар ҳордиқ имкониятлари пайдо бўлади.

Миллатпарварлик, юртсеварликда барчамизга ўрнак бўлаётган, халқим яхши яшасин, ёшларимиз — ўғил-қизларимиз ҳеч кимдан кам бўлмасин деб куну тун тиним билмаётган, оромни унутган Президентимиз билан бирга юриб, ушбу эзгу режалар, ҳудуднинг бугунги куни ва истиқболи ҳақидаги янгиликлар билан танишар эканмиз, беихтиёр ўтмишга назар ташлаймиз. Биз шу вилоятнинг фарзандимиз. Ёшимиз ҳам тобора улғайиб бормоқда. Айтмоқчимизки, бундан эллик-олтмиш йил олдинги манзараларни, ҳолату аҳволни бемалол кўз олдимизга келтира оламиз.

Ўшанда Тошкентдан Чимёнга бориш катта машаққат эди. Тошкентнинг Салор автобекатидан Бурчмулла қишлоғига қатнайдиган автобусга “илиниб” олган йўловчининг ошиғи олчи бўларди: тўрт соатда манзилга етиб борарди. Бу автоулов қатнови йўловчиларнинг кам-кўплигига боғлиқ бўлиб, кунига икки ёки уч марта бориб келарди, холос. Тоғли қишлоқларга борадиганлар йўлдаги Эшаккўприксойда ёппасига уловдан тушарди. Кўприкдан аввал бир эшикли ботинкасимон “ПАЗ” русумли автобус, кейин йўловчилар бирин-кетин ўтиб оларди.

Автобусга илинмаганлар дастлаб Чирчиққа, ундан Ғазалкентга, сўнгра эса манзилга — нақ учта транспорт алмаштириб етиб оларди. Бунга камида ярим кун кетарди. Тоғли қишлоқда яшовчилар баъзан Ғазалкентда ёки Хўжакентда тунаб, йўлни эртасига давом эттирган ҳолатлар ҳам бўлган. Бугун булар шунчаки чўпчаксимон хотиралар, холос.

Президентимизнинг 2023 йил 10 октябрдаги қарорига мувофиқ, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти трансформация қилинмоқда. Тошкент атрофида ҳам электрлаштирилган йўл қурилиб, поездларни ўтказиш имконияти 30 фоиз ошди.

Тошкент — Хўжакент йўналишида янги тезюрар электропоезд қатнови йўлга қўйилди. Вагонлар шинам ва ёруғ, йўловчилар учун қулай. Поезд соатига 120 километргача тезликда ҳаракатланади. Ҳар бир тарафга кунига учтадан қатнов йўлга қўйилади. Тошкентдан Хўжакентга бориш ёки қайтиш учун энди бир соат атрофида вақт сарфланади. Йўл ҳақи, халқона айтганда, кепак нархи.



Тошкент — Чиноркент йўналишида янги электропоезд қатнай бошлаганидан маҳаллий аҳолининг қувонганини айтмайсизми?! “Йўл азоб эмас, роҳатга айланди. Пойтахтгача бўлган масофа бир қадам бўлиб қолди-ей”, дейишмоқда миннатдорлик туйғуларини яширолмаётган Бўстонлиқ аҳли. Бу гапни бугун-эрта ҳудудга келаётган доимий сайёҳлар ҳам айтиши муқаррар.

Шунингдек, эрта-индин Байтқўрғон — Паркент йўналишидаги поезд қатновига старт берилади. Яқин кунлар ичида эса пойтахтни Нурафшон билан, Нурафшонни эса Бекобод билан боғлайдиган темир йўл қурилади.

Биз узоқ ўтмишни эсладик. Ваҳоланки, бир йил аввал Чимёнга келган одам бугунги ўзгаришларни кўриб, лол қолади — ҳайратдан кўзи қамашади. Ҳудудни танимай, “Бошқа жойга келиб қолдикми?” деб астойдил ўз хотирасини текширса ҳам ажаб эмас. Йўллар равон — пасту баландликлар сезилмайди. Бу ерда туризм бошқа соҳалар билан уйғун тарзда ривожланиб бормоқда.

Умуммавсумий курорт лойиҳаси доирасида автомобиль йўлида туннель ҳам қурилди. Ушбу иншоот таркибига узунлиги 1450 метр бўлган асосий йўл, 2 та кўприк ва пиёдалар йўлаклари киради. У ҳудуддаги тоғ курортларига олиб борувчи асосий йўлни қисқартиради. Хавфсизликни ошириб, транспортлар ҳаракатини енгиллаштиради. Туннель орқали соатига 500 дан зиёд автомашина хавфсиз ва қулай ҳаракатланиши мумкин. Йўллар қулайлиги ҳудуднинг туризм салоҳиятини тўла ишга солиш ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили саналади. Зеро, давлатимиз раҳбарининг ўзи кўп бора таъкидлайдиган фикрга Бўстонлиқдаги шароитлар айнан мос келади: **“Одамларимиз ҳам, меҳмонлар ҳам йўлга қараб давлатга баҳо беради. Йўллар яхши бўлса, халқимиз рози бўлади”.**

Муҳими, бу каби лойиҳалар сайёҳларга қулайлик яратиши баробарида мамлакатимизнинг инвестициявий ва маданий жозибадорлигини оширади.

Президентимизга ҳамроҳ бўлиб, бу ердаги меҳмонхона, ресторан ва савдо мажмуаларини кўздан кечирдик. Қайд этилишича, 6 қаватли замонавий меҳмонхона 320 сайёҳни қабул қилиш имкониятига эга. Йил давомида ўртача 45 минг сайёҳга хизмат кўрсатилади. Жаҳон тажрибасини бевосита ўзлаштириш учун бу ерда “Wyndham” бренди билан ҳамкорликда малакали бошқарув йўлга қўйилади. Пировардида хизмат сифати билан бирга мамлакатимиз туризмининг халқаро нуфузи ҳам ошади.

Бу ҳаммаси эмас, албатта. Айни ҳудуддаги яна бир йирик лойиҳа доирасида 7 ва 5 қаватли апарт-отеллар, 7 қаватли меҳмонхона ҳамда 2 қаватли ресторан барпо этилди. Табиийки, бу иншоотларда ҳам хизмат сифатига биринчи даражали масала сифатида қаралиб, халқаро стандартларга монанд қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мазкур объектлар йил давомида ўртача 54 мингдан зиёд меҳмонни қабул қилишга мўлжалланган. Айни пайтда 6 та шале қурилиши давом этмоқда. Кўнгилга манзур яна бир жиҳати шуки, мана шу жойларда юзлаб маҳаллий аҳоли вакиллари — ёшлар иш билан таъминланади, яхшигина даромадга эга бўлади.

Президентимиз мутасаддилар, қурувчи ва кенг жамоатчилик вакиллари билан самимий суҳбатда янги мажмуалар қуриш ва хизмат кўрсатишда илғор тажрибаларни қўллаш, ходимлар малакасини оширишдек муҳим масалаларга эътибор қаратди. Шунингдек, ҳудуднинг улкан имкониятларини дунё туризм платформаларида фаол тарғиб қилиб, маҳаллий ва хорижлик сайёҳларни кенг жалб этиш бўйича ҳам қатъий кўрсатмалар берди.

Туризмга мўлжалланган мана шу бепоён ҳудудда айни замоннинг энг кичиқдек кўринадиган, аслида эса глобал муаммоси бўлган автотураргоҳ масаласи ҳам ижобий ечимини топган. Яъни 300 та автомобилга мўлжалланган махсус иморат қурилган. Унинг биринчи қаватидан унумли фойдаланиш учун ресторан, болалар майдончаси ва савдо мажмуаси жойлаштирилган. Бу, албатта, фақат қулайликкина эмас, балки сайёҳлар учун қўшимча хизматларни бир бинодан ташқарига чиқмай, бус-бутунлигича тақдим этиш имконияти ҳамдир. Шу лойиҳа билан танишиб, мутахассислар сайёҳларнинг кайфияти, руҳияти ва хоҳиш-истакларини чуқур ўрганиб, барчасини бир нуқтада бирлаштира олганига қойил қолдик.

Энг асосийси, биргина Чимён умуммавсумий курорти баҳонасида Бўстонлиқ туманининг қиёфаси янгиланиб, у ердаги хизмат кўрсатиш соҳасида минглаб янги иш ўринлари, айниқса, маҳаллий аҳоли учун сезиларли даромад манбаи пайдо бўлмоқда. Сайёҳлар ҳам бундай шароит, имкониятлардан мамнун бўлиши, юртимизнинг гўзал табиати, қудрати ва халқимизнинг меҳнатсеварлигига тасаннолар айтиши турган гап. Бу сайёҳлар сони кун сайин ошишини таъминлайди.



Биз маҳаллий аҳолининг айни ўзгаришларга муносабатини ҳам кузатдик — хурсанд, рози. Ахир уйингиз остонасидан бир қадам юрсангиз-у, ишхонангизга етиб олсангиз, яна энг чиройли, энг замонавий, баҳаво, хушманзара ишхонада, чет элдан, ўзимиздан келган одамлар билан мулоқот қилиб, камига мўмай даромад олиб, бола-чақа, қон-қариндош билан бирга ҳаёт гаштини сурсангиз — саодатнинг ўзи эмасми шу?!

Ташриф давомида Президентимиз Бўстонлиқ туманидаги Чимён маҳалласида барпо этилаётган агросаноат боғини бориб кўрди. Бўстонлиқликлар сув бошида, ери серунум, халқи меҳнатдан сира қочмайди. Мана шу жиҳатлар асос бўлиб туризмга аграр соҳа уйғунлашмоқда. Чимён маҳалласидаги 3 минг гектар майдонда малина, қорағат, қулупнай, ўрмон ёнғоғи каби меваларни етиштириш йўлга қўйилганини кўриб, Президентимиз жуда мамнун бўлди. Бу меҳнатнинг завқи, миришкорликнинг сурури.

Лойиҳанинг умумий қиймати 60 миллион доллардан ортиқ дейишмоқда мутахассислар. Бу маблағнинг бир қисми ҳудудга сув олиб келишга сарфланди. Қиру адирларга Чорвоқ денгизидан 12 километр масофага сув тортиб келинди. Маблағнинг қолган қисми боғу роғлар яратиш ҳамда мевани қайта ишлаш корхоналари ва катта сиғимли омборхоналар қуришга сарфланади. Айни пайтда 50 гектар майдонда малина ва қулупнайнинг хорижий экспортбоп навлари экилган. Сувни иқтисод қилиш учун боққа тўлиқ томчилатиб суғориш тизими ўрнатилган.

Ҳозирча малинанинг ҳам, қулупнайнинг ҳам ҳар гектаридан бир миллиард сўмгача даромад олинаётган экан. Бозор кенгайиб, харидор кўпайгач, бу рақам янада ўсади. Чунки маҳсулотлар экологик жиҳатдан тоза, йирик ва асосийси, жуда мазали! Янада муҳими — шифобахш. Дарвоқе, дала бошига ўрнатилган паннода шу ерда етиштирилаётган ҳар бир маҳсулотнинг инсон соғлиғига фойдаси ёзиб қўйилган. Бу битиклар экспорт маҳсулоти қадоқларига ҳам кўчириб қўйилади.

Ҳисоб-китобларга кўра, лойиҳа тўлиқ якунига етказилгач, йилига 24 минг тоннага яқин маҳсулот етиштирилади. Бунинг каттагина қисми — ўрмон ёнғоғи ва резаворлар экспортга йўналтирилади. Бу боғларнинг гуллаб-яшнаши, гуркираб туриши учун 12 мингдан зиёд иш ўрни яратилади.

Президентимиз мазкур улкан лойиҳа билан танишиб, уни қўллаб-қувватларкан, эндиликда қайта ишлашни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор бериш кераклигини таъкидлади. Бу борада экин навларини танлашдан то уларга ишлов бериш, меваларни нест-нобуд қилмай териш ва саралаш жараёнларигача замонавий ёндашувга таянган лозимлигини уқтирди. Чунки ўз пулига сотиб олаётган харидор сифатли маҳсулот излайди, шу билан бирга, у харидоргир ҳам бўлмоғи керак. Ана шунда экспорт масаласида ҳам муаммо бўлмайди.

Боғлар барқ уриб, яшнаб турса, атрофида корхоналар ва турдош хизматлар кўпайиб, ишчиларга талаб ортиб борса, бўстонликликлар яқин йилларда узоққа қатнамай, ўз қишлоғида ишлайдиган бўлса, ажаб эмас. Маошини ҳам, қўшимча даромадини ҳам ўз киндик қони тўкилган гўшадан топади. Натижада ҳудуд иқтисодиёти ривожланади.

Жараёнда давлатимиз раҳбари мутасаддиларга бошқа адир ва яйловлар имкониятини ҳам ўрганиш ва мана шундай сердаромад боғлар яратишда давом этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Хуллас, туман мўъжизалар майдонига айланиб бормоқда. Бу ҳудуднинг номи гўзал, номидан ҳам ўзи гўзал. Сўзсиз, бугун Бўстонликда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳадемай тилларда достон бўлади. Бунга шубҳа йўқ.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбарининг Бўстонлиқ туманига бу галги ташрифи ҳам Тошкент вилояти жамоатчилиги, фаоллари, раҳбарларига катта масъулият юклади. Ушбу топшириқлар ижросини таъминлаш асносида аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш масаласи бош мақсадимизга айланмоғи лозим. Мақсад эса аниқ. Бу ҳақда жорий йил 11 сентябрь куни Тошкент вилоятида ислоҳотлар натижадорлиги ва янги режалар муҳокамаси юзасидан давлатимиз раҳбари ўтказган йиғилишда ҳам кўрсатиб ўтилди. Президентимизнинг вилоятни 2025-2027 йилларда жадал ривожлантириш бўйича қарорлари қабул қилиниб, улар ижроси учун 41 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилган. Буларнинг бари ҳудудларда ишсизликни пасайтириб, камбағаллик даражасини қисқартириш имконини бермоқда.



Президентимиз томонидан мазкур лойиҳаларни бекам-кўст амалга оширишга кўмаклашиш, айрим масалаларни зудлик билан ечиш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди. Пировардида 11 мингдан зиёд аҳоли бандлиги таъминланади, 434 миллион долларлик экспорт қуввати яратилади.

Ушбу чоралар амалда татбиқ этилиши ортидан вилоятдаги олтита шаҳар ва яна тўртта туман ишсизликдан батамом холи ҳудудга айлантирилади. Бу ишлар бошқа туманларда ҳам изчил йўлга қўйилади. Йил охирига бориб, ишсизлик кўрсаткичи 4,5 фоизни ташкил қилади. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: **“Янги ташаббусларимиздан мақсад нима? Ҳар бир болани касб-ҳунар орқали даромадли қилсак, барча оилаларнинг рўзғори бут бўлади, маҳаллаларда тинчлик ҳукм суради”.** Биз барчамиз мана шундай ички даъват ва ватанпарварлик ҳисси билан яшашимиз, ҳамиша олға интилишимизни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Шундай экан, келинг, фаровон ҳаётнинг мустаҳкам пойдеворини яратиш йўлида янада бирлашайлик, юртимиз, элимиз равнақи учун бугунги буюк ислоҳотларга муносиб бўлайлик!

Сайёра ФАЙЗИЕВА,
Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгаши раиси,

Абдусамад НОСИРОВ,
“Нуроний” жамғармаси Тошкент вилояти бўлими раиси,

Маҳмуд ТОИР,
Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раҳбари,
Ўзбекистон халқ шоири, сенатор,

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,
Журналистлар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раиси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Кўнгилдаги битиклар

МАЪНАВИЯТНИНГ ТАЯНЧ УСТУНЛАРИ



Инсон умри гўё узун бир йўл, унда ҳар ким ўз манзили сари интилади, ўз баландликларини забт этишга уринади. Кечиб ўтган умрим довонидан ортга назар ташлар эканман, ана шу йўл чорраҳаларида, энг муҳим бурилишларида менга маърифат чироғи билан йўл кўрсатиб турган, қоқилганимда суяган, билим чўққилари сари етаклаган азиз инсонлар — устозларим сиймоси кўз ўнгимда гавдаланади. Ҳар йили кузнинг илиқ нафаси билан кириб келадиган 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида уларнинг сиймоси янада ёрқинроқ, янада улуғвор кўринади.



Абдуғаффор ЖЎРАЕВ,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

Яқинда Президентимиз фармони билан соҳанинг бир гуруҳ фидойилари юксак давлат мукофотлари билан тақдирлангани ҳақидаги хушхабарни эшитиб, қалбим фахр ва ифтихорга тўлди. Бу шунчаки бир гуруҳ ўқитувчиларга кўрсатилган эътибор эмас, балки уларнинг тимсолида бутун ўзбек муаллимларига, минг-минглаб маърифат фидойиларига билдирилган юксак ишонч ва эҳтиромнинг яққол ифодасидир. Чекка-чекка қишлоқ мактабларининг оддий муаллимлари юксак давлат мукофотига сазовор бўлаётганининг ўзиёқ жамиятда кучли ижтимоий сигнал бериб, ёш авлоднинг қалбида ўқитувчилик касбига ҳавас уйғотади, ота-оналарнинг ўз фарзанди келажагини шу соҳа билан боғлашига туртки беради ва энг муҳими, устознинг мавқеи бутун миллат миқёсида эътироф этилаётганини амалда кўрсатади.

Иқтисодчи олим сифатида чуқур ишонч билан айта оламанки, XXI асрда мамлакатнинг ҳақиқий қудрати унинг ерости бойликлари ёки йирик заводлари сони билан эмас, аввало, инсон капиталининг сифати билан ўлчанмоқда. Инсон капитали миллатнинг интеллектуал салоҳияти, унинг билими, маҳорати, тафаккури ва яратувчанлик қобилиятидир. Бугунги дунё “билимлар иқтисодиёти” дунёсидир. Ушбу иқтисодиётнинг асосий хомашёси — ғоя, инновация ва технология. Унинг “ёқилғиси” эса ўқитувчи томонидан тарбияланган, замонавий фикрлайдиган, рақобатбардош кадрдир.

Таълимга сармоя киритиш нафақат иқтисодий, балки ижтимоий барқарорликнинг ҳам энг мустаҳкам кафолати саналади. Саводли, дунёқараши кенг, танқидий фикрлай оладиган жамият турли ёт ғояларга, радикализм ва экстремизмга қарши энг кучли иммунитетга эга бўлади. Сифатсиз таълим эса ишсизлик, қашшоқлик ва ижтимоий иллатлар учун қулай замин яратади. Демак, ҳар бир мактабга, ҳар бир ўқитувчига киритилаётган сармоя нафақат келажакдаги иқтисодий ўсишга, балки бугунги тинч ва осуда ҳаётимизни ҳимоя қилишга қўшилган улкан ҳисса деб бемалол айта оламиз.

Таълимга йўналтирилган маблағнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда “мультипликатор эффекти”ни ҳам унутмаслик керак. Хўш, бу нимани англатади? Бир соҳага киритилган инвестициянинг бошқа турдош соҳаларда ҳам қўшимча ўсишга сабаб бўлади. Мисол учун, янги, замонавий мактаб бунёд этилиши қурилиш материаллари саноати, транспорт, мебель ишлаб чиқариш каби ўнлаб соҳаларга туртки беради. Ўқитувчилар маоши ошиши уларнинг харид қобилияти ортиши ва ички бозорнинг жонланиши демакдир. Энг асосийси, сифатли таълим олган битирувчилар келажакда юқори технологияли соҳаларда меҳнат қилиб, бошқалар қатори солиқ тўлайди, яширин иқтисодиёт улушини камайтиради ва мамлакатнинг PISA (The Programme for International Student Assessment) каби халқаро таълим рейтингларидаги ўрнини юксалтиради. Бундай рейтинглардаги юқори ўринлар эса, ўз навбатида, мамлакатга кириб келадиган хорижий инвестициялар оқими кўпайишига замин яратади. Демак, таълимга сарфланган ҳар бир сўм ўзини нафақат маънавий, балки бир неча баробар қилиб моддий жиҳатдан ҳам оқлайдиган энг мақбул сармоядир.

Шу ўринда энг муҳим мақсадимиз бўлмиш Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш ғоясига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Мазкур ғоя шунчаки баландпарвоз шиор эмас, балки аниқ илмий-тарихий асосларга эга миллий дастурдир. Биринчи Ренессанс Шарқда IX-XII асрларда, Movarounnahr заминида ал-Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино каби даҳоларимиз билан боғлиқ бўлса, Иккинчи Ренессанс Амир Темур ва темурийлар даврида Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Алишер Навоий каби сиймолар номи билан тарихга муҳрланган. Ҳар иккала юксалишнинг замирида ҳам илм-фанга, устоз ва олимларга кўрсатилган юксак эътибор ва ғамхўрлик ётибди. Бугун биз барпо этаётган Учинчи Ренессанснинг пойдеворини ҳам айнан таълим ва маърифат ташкил этади. Унинг меъморлари — бугунги куннинг ўқитувчилари, унинг бунёдкорлари эса уларнинг қўлида таълим олаётган ёш авлоддир. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган барча юксак марраларга эришишнинг калити ҳам айнан мактабларда, ўқитувчининг машаққатли меҳнатида яширинган.

Албатта, мазкур юксак мақсадга фақат давлатнинг саъй-ҳаракатлари билангина эришиб бўлмайди. Ушбу жараёнда жамиятнинг барча бўғинлари, айниқса, ота-оналар фаол иштирок этиши шарт. “Мактаб — оила — маҳалла” ҳамкорлиги шунчаки чиройли ибора бўлиб қолмай, амалий ҳаракатга айланиши айни муддао. Ота-она фарзандининг тақдирига бефарқ бўлмаслиги, ўқитувчининг меҳнати нақадар машаққатли эканини англаб, уни ҳурмат қилиши ва қўллаб-қувватлаши лозим. Фарзандининг дарсларини назорат қилиш, мактаб ҳаёти билан қизиқиш, ўқитувчи билан доимий мулоқотда бўлиш ҳар бир ота-онанинг муқаддас бурчидир. Ўқитувчи мактабда берган билим ва тарбияни оила мустаҳкамламаса, барча



уринишлари бесамар кетиши турган гап. Қуш ҳам бир қанот билан уча олмайди. Миллатнинг маънавий юксалиши-да худди шундай: бир қаноти мактабдаги устоз бўлса, иккинчи қаноти оиладаги тарбиядир.

Афсуски, баъзан айрим ота-оналар орасида фарзандининг тарбияси учун бутун масъулиятни фақат мактаб ва ўқитувчининг зиммасига юклаб қўйиш ҳолатлари учраб турадики, бу тубдан нотўғри ёндашувдир. Ўқитувчи — билим берувчи, йўл кўрсатувчи. Аммо одамийлик, меҳр-оқибат, каттага ҳурмат, кичикка иззат каби энг асосий ҳаётий қадриятлар пойдевори айнан оилада қўйилади. Оиладаги носоғлом муҳит, ота-онанинг қўпол муомаласи, китобга, билимга беписандлиги бола қалбида улкан бўшлиқ ҳосил қилади ва мазкур бўшлиқни биргина ўқитувчининг ўзи тўлдириши амримаҳол.

Шу боис, жамиятимизда ота-оналарнинг педагогик маданиятини, фарзанд тарбиясидаги масъулиятини ошириш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Зеро, устозга энг катта кўмак унинг ишини тушунадиган, у билан ҳамфикр бўлган ва фарзандининг келажаги учун қайғурадиган ота-оналар жамоасидир.

Шу йўлда қилинаётган амалий ишлар эса кишини янада руҳлантиради. Мамлакатимизда устознинг мақомини юксалтиришга қаратилган эътибор бирёқлама, фақатгина моддий рағбатлантириш билангина чекланиб қолмаяпти. Ушбу жараён чуқур ўйланган, бир-бирини тўлдирувчи бир неча муҳим йўналишда комплекс тарзда кечмоқда.

Биринчидан, устоз учун муносиб меҳнат шароити ва замонавий таълим инфратузилмасини яратиш. Сўнгги йилларда юртимизнинг барча ҳудудларида қад ростлаётган Президент мактаблари, ижод мактаблари, ихтисослаштирилган таълим муассасалари ўз кўрки ва салоҳияти билан кўзни қувонтиради. Улар шунчаки чиройли бинолар эмас, балки илғор педагогик технологиялар, замонавий лабораториялари, робототехника тўгараклари ва соғлом рақобат муҳитини ўзида мужассам этган маърифат масканларига айланмоқда.

Иккинчидан, ўқитувчининг узлуксиз касбий ривожланиши учун кенг ва шаффоф имкониятлар эшиги очилиши. Бир замонлар малака ошириш деганда кўпинча эскирган маърузаларни тинглаш ва қоғозбозликдан иборат самарасиз бир жараён тушунилади. Бугун бу ёндашув бутунлай ўзгарди. Таълим соҳасида дунёнинг етакчи мамлакатлари бўлган Финляндия, Буюк Британия тажрибаси асосида ишлаб чиқилган янги малака ошириш тизимлари жорий этилмоқда. Энди ҳар бир ўқитувчининг билим даражаси ва касбий компетенциялари халқаро стандартлар асосида диагностикадан ўтказилиб, унинг шахсий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда индивидуал касбий ривожланиш траекторияси белгиланмоқда.

Учинчидан ва энг муҳими, устозлар қалбида йиллар давомида сўниб қолгандек туюлган бир ҳис — ўзига ишонч, ўз касбига бўлган ғурур туйғусининг қайта тикланишидир. Бу катта янгилик ва улкан ижтимоий-психологик ютуқдир. Яқин ўтмишда ўқитувчининг зиммасига унинг вазифасига мутлақо алоқаси бўлмаган қанчадан қанча ортиқча ишлар юкланар эди. Мажбурий обуна, пахта йиғим-терими, ҳудудларни тозалаш, сон-саноқсиз қоғозбозлик ва ҳисоботлар уни асосий ишидан — фарзандларимизга таълим-тарбия беришдан чалғитарди, қадрини, обрўсини поймол қиларди. Бугун эса ўқитувчи шу каби барча ташвишлардан озод қилинди. Унинг мақоми аниқ-тиниқ кафолатланди.

Ўтган йили қабул қилинган “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги қонун эса шу борадаги ишларнинг мантиқий ва ҳуқуқий якуни бўлди. Мазкур қонун нафақат ўқитувчининг ҳуқуқларини, балки унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишни ҳам кафолатлайди. Эндиликда ўқитувчига ҳурматсизлик қилиш, касбий фаолиятига асоссиз аралашиш учун жавобгарлик белгиланди. Ушбу қадам, албатта, жуда муҳимдир. Аммо қонуннинг ўзи етарли эмас. Жамиятимизда шундай муҳит шаклланиши керакки, унда ҳар бир инсон, у амалдор бўладими, тадбиркор ёки оддий фуқаро бўладими, устозга юксак эҳтиром билан муносабатда бўлсин. Айниқса, ижтимоий тармоқлар ривожланган бугунги кунда ўқитувчилар фаолиятини асоссиз танқид қилиш, шаънига доғ тушириш ҳолатларига нисбатан муросасиз бўлишимиз зарур. Оммавий ахборот воситалари, блогерлар ўз чиқишларида ўқитувчи касбининг обрўсини оширишга хизмат қилиши, унинг машаққатли меҳнатини кенг ёритиши лозим. Устозни ҳимоя қилиш келажакни ҳимоя қилиш демакдир.

Мазкур ўзгариш нафақат ҳуқуқий ҳимоя, балки, энг асосийси, муаллимнинг руҳиятини кўтарди. Ёдимга ўзимнинг мактаб даврларим тушади. Ёшу кекса физика ўқитувчиларимиз бўлар эди. Ўша қийин йилларда мактабда оддий лаборатория жиҳозлари етишмасди. Шунда домлаларимиз ўз қўллари билан эски шиша синиқларидан линзалар ясаб, картон қувурлардан бизга кичик бир телескоп ясаб берган эди. Ўша телескоп асли каби мукаммал бўлмаса-да, қалбимизда илмга, кашфиётларга бўлган улкан қизиқишни ҳам очиб берган. Улар каби минглаб фидойи устозлар ўша қийинчиликларга қарамай, ўз бурчини шараф билан адо этишган. Баъзан ўйланиб қоламан, агар ўша устозларимиз бугун ҳаёт бўлганларида нима қилган бўларди? Шубҳасиз, улар битмас-туганмас иштиёқлари билан бугунги технологик имкониятларни бирлаштириб, шогирдларига шунчаки Ой кратерларини эмас, балки мактабдаги компьютер орқали коинотга виртуал саёҳат уюштирган, сунъий интеллект моделларини яратишга даъват қилган бўлар эдилар.

XX аср бошларида Туркистон заминида порлаган жадид боболаримиз ҳам миллатни уйғотиш, озод ва обод келажак қуришнинг ягона йўли маърифатда деб билган эди. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний каби маърифатпарварлар ўз даврининг энг илғор зиёлилари, аслида, энг буюк ўқитувчилари саналган. Уларнинг “янги усул мактаблари” ғояси ўз замонасидан анча илгарилаб кетган. Улар шунчаки эски таълимни ислоҳ қилишни эмас, балки дунёвий билимларни, танқидий фикрни ва миллий ўзликни уйғунлаштирган мутлақо янги авлодни тарбиялашни мақсад қилганди. Жадидлар нафақат ўғил болаларни, балки қизларни ҳам ўқитишни миллат нажоти деб билган. Бугун янги Ўзбекистонда хотин-қизлар таълимига берилаётган улкан эътибор, улар учун яратилаётган имкониятлар ҳам жадид боболаримизнинг эзгу орзулари рўёбидир.

Бир профессор сифатида бугунги ёшларга, талабаларимга қараб туриб, келажакка умидим янада ортади. Уларнинг кўзларида ўт чақнаб турибди, дунё билан очиқ мулоқот қилмоқда, бир неча хорижий тилларда бемалол сўзлашади, ахборот технологияларидан хабардор. Шижоати, билишга иштиёқи қалбимга чексиз ғурур бағишлайди. Мен аниқ биламанки, ушбу ёшларнинг қанотларига қувват бераётган, уларни юксак парвозга шайлаётган энг асосий куч ўз қадрини топган, ўзига ишонган, замонавий билимлар билан қуролланган янги давр ўқитувчисидир. Менинг орзуим иқтисодиёти қудратли, илм-фани дунёга донг таратган, айни пайтда ўзининг минг йиллик қадриятларига, ота-боболаридан мерос маънавиятига содиқ қоладиган буюк авлодни кўришдир. Шундай авлод нафақат моддий фаровонликка, балки маънавий камолотга ҳам интилиши керак. Мазкур мувозанатни таъминлаш эса фақат ва фақат билимли, қалб кўзи очиқ устозларнинг қўлидан келади.

Биз бугун Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришдек улуғвор мақсад йўлида бирлашган эканмиз, ушбу жараённинг юраги, шубҳасиз, мактабдир. Унинг бетиним ва маромида уриб туришини таъминловчи қудратли куч эса ўқитувчидир.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Ислоҳот одимлари



ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН

НАВОИЙЛИК ЁШЛАР СПОРТ МАЙДОНИДА БИРЛАШДИ

Маҳаллалардаги соғлом муҳит, ҳудудий мусобақалар, “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасидаги турнирлар сабабли ёш спортчилар сафи кенгайиб бормоқда. Турли мусобақалардан саралаб олинган ёшлар профессионал спортчи сифатида тайёрланмоқда. Бу борада Навоий вилоятида ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилган. Хусусан, 13 та спорт мактаби, 4 та ихтисослаштирилган спорт мактаби ҳамда 1 та олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази фаолият юритмоқда.

— Айни вақтда марказимизда 450 ёш турли спорт йўналишларида таҳсил оляпти, — дейди Навоий олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази директори ўринбосари Азиз Шомуродов. — Уларнинг 200 га яқини терма жамоалар аъзоси. 250 нафари мамлакат миқёсида ўтказилган турли спорт мусобақаларда медалларни қўлга киритган. Шунингдек, 20 га яқин спортчимиз жаҳон ва Осиё чемпионатларида муваффақиятли иштирок этиб, медалларга сазовор бўлган. Ҳозир ўқувчиларимиз келгуси спорт мусобақаларига тайёрланяпти. Машғулот ўташ учун эса замонавий спорт заллари мавжуд. Яқинда Спорт вазирлиги ва Миллий Олимпия қўмитаси томонидан спортнинг 10 тури бўйича янги жиҳозлар ажратилди.

Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказининг ҳар бир бўлимида спортчи ўғил-қизлар маҳоратли мураббийлар кўмагида машғулот ўтамоқда. Айни вақтда марказнинг бокс бўлими тарбияланувчилари Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида юқори натижаларга эришмоқда. Чарм қўлқоп эгаларининг ёрқин ғалабаси нафақат халқимиз, балки дунё спорт ихлосмандларининг ҳам олқишига сазовор бўлмоқда. Эътиборлиси, бу спорт турида қизлар иштироки ҳам йилдан йилга ортмоқда.

Яқинда камондан ўқ отиш спорт мажмуаси янгидан бунёд этилди. Замонавий стандартларга мос жиҳозланган ушбу мажмуада мураббийлар ҳар куни уч босқичда машғулот ўтмоқда. Бугун Навоий вилоятида 2000 га яқин спортчи миллий кураш билан мунтазам шуғулланяпти. Уларга 65 малакали мураббий бириктирилган. 21 ҳакамдан 2 нафари халқаро тоифага эга. Улар йирик мусобақаларга ҳам жалб қилинмоқда.

Навоий шаҳридаги яккакураш турларига ихтисослаштирилган спорт мактаби ёшлари ҳам бошқа тенгдошлари каби катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Хусусан, яқинда кураш бўйича ўтказилган мусобақанинг республика босқичида 3 та олтин, 2 та кумуш ҳамда 4 та бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади.

— Навоийлик полвонлар орасида кураш бўйича уч карра жаҳон, икки карра Осиё чемпионлари ҳамда кўплаб нуфузли спорт мусобақалари ғолиблари бор, — дейди Навоий вилояти кураш федерацияси ижрочи директори Мамадали Норов. — 2024 йилда кураш бўйича ўтказилган чемпионатларда спортчиларимиз 7 та олтин, 14 та кумуш ва 15 та бронза медални қўлга киритди. Шунингдек, халқаро турнирлар, Осиё ва жаҳон чемпионатларида ҳам юқори натижаларга эришиб, жами 39 та медалга сазовор бўлган. Кўрсаткичлар йил сайин яхшиланиб боряпти. Масалан, 2025 йилнинг ўтган даврида кураш бўйича республика чемпионатларида спортчиларимиз 15 та олтин, 9 та кумуш ва 18 та бронза, Осиё чемпионатида 3 та олтин медалга сазовор бўлган.

Жорий йилда Навоий вилояти футбол академиясида ҳам қатор қурилиш, таъмирлаш, жиҳозлаш ишлари бажарилди. Энди мураббийлар бу шароитдан самарали фойдаланиб, чемпионларни тарбиялашни мақсад қилган. Яшил майдонда тўп сураётган ёшлар эса акалари сингари жаҳон майдонларида юрт байроғини баланд кўтариш ниятида. Бунинг учун шароит ва имконият етарли.

— Айни вақтда академиямизда 154 ўқувчи бор. Уларга 22 мураббий бириктирилган. Мураббийларимиз ҳар ой навбати билан Ўзбекистон футбол ассоциацияси ташкил этган малака ошириш курсларида иштирок этиб келмоқда, — дейди Навоий вилояти футбол академияси директори Акмал Кенжаев. — Стадионимиз қайта таъмирланди. Ўйин майдони жаҳон стандартларига жавоб берадиган чим билан қопланди. Машғулот заллари ва ётоқхоналар ҳам таъмирдан чиқарилди. Замонавий шароит яратилди. Бу ишлар учун давлатимиз 11 миллиард сўм ажратди. Шунинг ўзиёқ юртимизда футболни ривожлантиришга юксак эътибор қаратилаётгани далолатидир. Тўғриси, йигирма йилдан буён бундай шароит ва замонавий стадионга эга бўлмаганмиз. Мустақиллигимизнинг 34 йиллигида бу мажмуалар ёш футболчиларимиз учун муносиб туҳфа бўлди.

Мамлакатимизда замонавий таълим-тарбия масканлари билан бирга, янги спорт мактаб ва мажмуалари, стадион, сузиш ҳавзалари барпо этилаётгани ёшлар қалбида спортга иштиёқни янада кучайтирмоқда. Айниқса, бу соҳада фаолият юритаётган устоз ва мураббийларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, машаққатли меҳнатини муносиб қадрлаш бўйича қилинаётган ишлар ижобий самара бермоқда.

— Вилоятда 1824 та спорт иншооти бор. Уларнинг 1204 таси спорт майдончаси, 393 таси спорт зали, 101 таси сунъий қопламали майдон, 33 таси тренажёр зали, 19 таси сузиш ҳавзаси, 15 таси стадион ҳамда 59 таси бошқа турдаги мажмуалардир, — дейди вилоят спорт бошқармаси бошлиғи Жасур Муртазоев. — Ушбу спорт масканлари аҳолини оммавий спортга жалб қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда муҳим аҳамиятга эга. Вилоятдаги умумтаълим мактабларининг 274 тасида, профессионал ва олий таълим муассасаларининг 27 тасида спорт зали мавжуд. “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида энг чекка маҳалла ва овул ёшлари учун ҳам сунъий қопламали футбол майдонлари қурилди. Айни вақтда бу борадаги ишлар давом этмоқда.

Имкониятлардан унумли фойдаланиб, ёш спортчиларни катта спортга йўналтириш, терма жамоалар учун муносиб номзодлар тайёрлаш кўзда тутилган. Ҳозирда соҳа мутасаддилари, мураббийлар ва спортчилар шу мақсад йўлида маррани катта олиб, биргаликда ҳаракат қиляпти. Ўз ўрнида навоийлик ёшлар спорт майдонида бирлашиб, юрт тараққиёти йўлида хизмат қилишга бел боғлаган.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-946.
34830 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 23:35 Топширилди — 00:45